Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-йил чиқиши

№ 144 (4860).

24 июль сешанба 1973 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЎРИМ-ЙИҒИМ ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети дон экинларини йиғиштириб олиш, давлатга ғалла топшириш, уруғлик ва ем запасларини ғамлаш ҳамда ғалла ташиш бўйича областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасида 1973 йилнинг 21 июлига қадар бўлган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғини Самарқанд областида (область партия комитетининг секретари В. Қодиров, область ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқулов, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Б. Жамолиддинов, совхозлар трестининг директори И. Муҳитдинов, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси А. Аракелов) қолдирдилар. Бу область бошоқли экинларни ўриб-йиғиб олиш планини 87,9 процент, шу жумладан сўнгги ўн кун ичида шу соҳадаги планни 17,1 процент қилиб, давлатга ғалла сотиш планини 70,6 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 23,4 процент қилиб, уруғлик ғамлашни 70,4 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 15,8 процент қилиб, ем жамғариш планини 54,1 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 8,1 процент қилиб бажарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил Байроғи Самарқанд областининг Ғаллаорол районига (район партия комитетининг секретари А. Ҳакимов, район ижроия комитетининг раиси Х. Ўрозқулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи У. Тожиев) берилди. Бу район бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш планини 92,6 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 30,9 процент қилиб, давлатга ғалла сотиш топшириғини 79,1 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 25,6 процент қилиб уруғлик жамғариш планини 79 процент, ем жамғариш планини 113 процент қилиб бажарди. Байроқ Сирдарё областининг Форишр районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил Байроғи Қашқадарё областидаги «Кўкдала» совхозига (совхоз директори Р. Бозоров, партия ташкилотининг секретари Д. Боймуротов, ишчилар комитетининг раиси Р. Ҳасанов) берилди. Байроқ Қашқадарё областидаги Охунбобоев колхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғи Тошкент шаҳар автотрестининг марказлашган юк ташиш 2-қўшма автоколоннасида (автоколонна бошлиғи А. Аршакянц, партия ташкилотининг секретари В. Мубарякшин, маҳаллий комитет раиси И. Жевлаков) қолдирилди. 2-«Ғаллаорол» совхозида галла ташишди қатнашаётган бу автоколонна дон ташиш планини кейинги ўн кун ичида 107,7 процент қилиб бажарди.

КПСС XXIV съезднинг делегати, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг илғор механизатори Абдусаттор Сулаймонов бошлиқ звено аъзолари 67 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз бергандар. Ҳозир звено далаларида мўл ҳосил тўпланмоқда. Суратда: (чап дан) ғўзаларни культивация қилиш пайти. (Ўнгда) А. Сулаймонов.

А. Абалян фотолари.

ҲАР ТУП ҒЎЗАДА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАЙМИЗ

Май ойининг бошларида колхозимиз активлари, мутахассис ва тажрибали деҳқонлар тўпланишиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришдаги ғоят муҳим вазифаларини кенг ва атрофлича муҳокама қилдилар. Ўртага кўпгина қимматли таклифлар тушди. Кейин бу тадбирлар дала шийпонларида, механизатор ва сувчилар ўртасида муҳокама қилиниб, тўлдирилди.

Белгиланган тадбирларда дала ишларининг энг муҳим вазифалари аниқ кўрсатилган бўлиб, ишнинг бажарилишини правление активлари назорат қиладиган бўлдилар. Бу албатта етарли эмас эди. Шу билан бирга улар ҳар бир колхозчи билан алоҳида суҳбатлашишди. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратишга яқиндан ёрдам бердилар. Бу ишлар изчиллик билан амалга оширилди. Ишнинг сифатига эътибор кучайтирилди. Далада меҳнатни ташкил этиш, ғўзани парвариш қилишдаги ташкилий ва тадбирий ишларимиз область партия комитети томонидан маъқулланди.

Колхозчиларимиз май ойи ичида пилла қурти боқиш билан бирга ғўзага ишлов беришни давом эттиришди. Тадбирда белгилангандек май ойида ғўзаларимиз ёппасига икки марта чопиқдан чиқарилди. Яганалаш ўз вақтида сифатли ўтказилди. Бу эса ғўза илдизларининг тезда ривожланишига олиб келди. Тупроқнинг доимо юмшоқ бўлишига эришдик. Хўжалик аъзолари ягана, букетлашда илғор тажрибалардан моҳирлик билан фойдаландилар. Ғўзаларнинг талабига қараб сув берилди. Егингарчиликнинг тез-тез бўлиши ғўзанинг илдиз чириш, турли ҳашаротлар билан зарарланиш хавфини туғдирди. Бу соҳада ҳам жонбозлик кўрсатилди. Ҳаммамиз бир жон ва бир тан бўлиб қатқалоқ босган майдонларни юмшатдик. Ғўза зараркунандаларига қарши курашни бўшаштирмадик. Дарахтлар таги, увотлар, ариқ бўйлари қисқа вақт ичида иккимарта дориланди. Бу эса ғўзаларнинг бегубор ва тезда ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Ҳозирги кунларда колхозимиз далаларида 32 та чопиқ трактори ишлаб турибди. Техникани моҳирлик билан бошқараётган механизаторлар суръатга-суръат қўшиб социалистик мусобақани кундан-кунга авж олмоқдалар. Биз механизаторларнинг ишлари устидан назоратни кучайтириш билан бирга ҳар бир агрегатнинг тўла қувват билан ишлашига эришмоқдамиз. Оқибатда қатор оралари, тракторларнинг бурилиб қайтадиган жойларида ғўзаларнинг пайхон бўлишига, илдизларнинг қирқилиб кетилишига, йўл қўйилмаяпти. Кучатларнинг ҳар бир гектар ерда ҳозирнинг ўзидаёқ белгиланган қалинликда бўлишига эришилди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ўтган йили 1300 гектар майдонда кўчатнинг ўртача қалинлиги 70 минг тупданга тўғри келар эди. Бу йил эса ҳамма ерда «Тошкент—3» навли чигит экдик. Кўчатимиз 120 мингтага етада. Чигит экиш гербицидлар ёрдами билан олиб борилган эди. Шу сабабли барча майдонларимизда бегона ўтлар йўқолди. Кўп йиллик ўтларни эса таг-туги билан юлиб ташладик. Жанар Ёқубова, Мавлуд Кукрадзе, Цой Андрей ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларда ғўзаларнинг ўз вақтида озиқлантирилиши, чопиқдан чиқарилиши сабабли ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан ҳосилга кириши яхши.

Лекин биз эришилаётган бу ютуқлар билан кифояланиб қолаётганимиз йўқ. Ҳар-бир бригаданинг аъзоси астойдил ишламоқда. Ҳозирги пайтда эса ҳосилга ҳосил қўйиш қизғин давом эттирилмоқда. Кўчатларимизнинг бут бўлишига эришиш билан бирга уларнинг ҳар тупида мажбуриятга яраша ҳосил тўпланиши тадбирлари кўрилмоқда. Июлда ҳам ишни асло бўшаштирмаймиз. Барча майдонларни к а м и д а бирярим маротаба комплекс парвариш чиқарамиз. Шонани гулга, гулни эса бўлиқ кўсакларга айлантирамиз.

Колхоз правлениеси дала меҳнаткашлари учун барча шароитларни яратиб берган. Ҳамма дала шийпонлари намунали маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойларига айлантирилган. Шийпонларда иссиқ овқат доимо тайёрланиб турибди. Радио ишлаяпти. Яқин вақт ичида телефонлаштирилади. Бригадалар ўртасида тузилган социалистик шартномалар тез-тез текширилиб турибди. Биз мусобақани қолоқларга илғорларнинг ёрдамини кучайтириш деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан ҳам ишда йўл қўйилган камчиликларни мусобақадошлар тезда тугатишда ҳамкасбларига кўмаклашяпти. Бунинг фойдаси катта экан. Барча майдонларда ғўзалар бир текисда бегубор ўсиб ҳосилга кираётир. Уни ўз тажрибамизда кўриб турибмиз.

Колхозимизда дала ишлари графиги ошириб бажариляпти. Шу билан бирга мўл ҳосилга тайёргарлик кўриш ишлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Айниқса терим агрегатларини барвақт ремонтдан чиқариш соҳасида анчгина ишлар қилинди. Терим машиналари ремонти намунали ўтказилмоқда. Биз ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдами билан териб олиш ниятидамиз. Ерларимиз қафтдек текис, «Зангори кема»ларнинг ишлаши учун қулай. Шундай экан, бизнинг бутун куч ва эътиборимиз пахта йиғим-теримини сентябрь ойи ичида ёппасига бошлаб юборишга қаратилган. Ҳа, ҳозир сентябрь ойи пахтасини етиштирямиз. «Зангори кема»лардан қанчалик самарали фойдаланса, етиштирган ҳосилимиз арзон ва ёғин-сочинга қолмасдан, ёрдамчиларни ишлатмасдан йиғиштириб олинишига эришилади.

Белгиланган тадбиримизга мувофиқ биз ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириб давлатга 3800 тонна «оқ олтин» топширишга сўз берган эдик. Шуни албатта устидан чиқамиз. Ваъдамизни шараф билан бажариб, беш йиллигимизнинг ҳал қилувчи учинчи йилини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичлар билан якунлаймиз. Колхозчиларимизнинг бутун фикри-зикри ана шу юксак ва масъулиятли вазифани бажаришга сафарбар этилган.

М. КАРИМОВ,
Урта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

Югославия Коммунистлар союзи президиуми ижроия бюросининг аъзоси Ю. Билич Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишмоқда. Тошкентдан ташқари у Самарқандда ҳам бўлди.

23 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин Ю. Билични қабул қилди. Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда у меҳмонга республика партия ташкилоти бажараётган вазифалар тўғрисида гапириб берди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Лоренсо Торес бошчилигидаги Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партияси активистларининг делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб турди.

Тошкентда меҳмонлар тўқимачилик комбинатида, В. И. Ленин Марказий музейи филиалида, бир қанча маданий оқартув муассасаларида бўлдилар Делегация аъзолари Олмалиқ саноат корхоналарини тамоша қилдилар.

АҚШ компартиясининг активистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, шунингдек республика Олий Совети Президиумида қабул қилиндилар.

(ЎзТАГ).

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Ўрта Чирчиқ районида халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ўнлаб саноат корхоналари бор. Металл конструкциялари, пахта тозалаш, луб гидроприбор заводлари, қатор бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар шулар жумласидандир. Район саноатчилари зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу туфайли ҳам давлат планлари доим знёдаси билан бажарилмоқда.

Меҳнатсевар саноатчилар тўққизинчи беш йилликкинг ҳал қилувчи учинчи йилида ҳам маҳсулот реализация қилиш топшириқларини муваффақиятли бажаришяпти. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йиллик пландагидан ташқари бир миллион уч юз минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва реализация қилиш юзасидан социалистик мажбурият олишган эди. Уни муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилган, мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга интилган корхоналар коллективлари меҳнатда катта зафар қучдилар. Шу йилнинг ўтган даври мобайида пландагидан ташқари салкам бир ярим миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилишди. Бу — йиллик мажбуриятдагига қараганда икки юз минг сўмлик кўпдир.

Район саноатчилари эришилган бу ютуқлар билан чекланиб қолмай, бундан буён ҳам самарали ишлаб, она-Ватан бахт-саодати йўлида янги-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритиш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.

«МАРС-4» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони ва қуёш системаси планеталарини тадқиқ қилиш программасига биноан 1973 йил 21 июль Москва вақти билан соат 22 дан 31 минут ўтганда Совет Иттифоқида планеталараро автомат станцияси — «Марс4» учирилди.

Станцияни учиришдан кузатилган асосий мақсад Марс планетасини ва унинг атрофидаги фазони тадқиқ этиш соҳасида «Марс-2» ва «Марс-3» — планеталараро автомат станциялари ёрдамида 1971 йилда бошланган ишни давом эттиришдан иборат.

«Марс-4» станцияси Ер сунъий йўлдошининг оралиқ орбитасидан Марс планетаси сари учиш траекториясига чиқарилиб қўйилди. Учирувчи ракетанинг охирги босқичи станцияни иккинчи космос тезлигидан ортиқ бўлган тезликда учириб юборди. Станциянинг ҳаракат траекторияси параметрлари ҳисоблаб қўйилган яқин доирада ўтмоқда.

Олти ойдан кўпроқ вақт давом этадиган планеталараро парвоз давомида Космик фазонинг характеристикалари ўлчаб кўрилди.

Телеметрик ахборот маълумотларига қараганда, станциянинг ҳамма системалари ва аппаратлари нормал ишлаб турибди.

«Марс-4» планеталараро автомат станциясининг парвозини олис Космос алоқа маркази бошқариб турибди. Координациялаш ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Ш. Р. РАШИДОВНИНГ БАҒДОД ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

БАҒДОД, 19 июль. (ТАСС). КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Бағдод телевиденисси орқали нутқ сўзлади. У ўз нутқида бундай деди:

Ироқлик азиз дўстлар!

Сизларни Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг таклифига биноан мамлакатингизга келган КПСС делегацияси аъзолари номидан табриклашга ижозат бергайсиз. КПСС делегацияси сизларга-ишчилар, деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларга, ироқлик барча ватанпарварларга ҳамда империализм ва реакция билан кураш олиб бораётган кишиларга сизлар шу кунларда нишонлаётган катта байрам муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, Совет коммунистларининг ва бутун совет халқининг самимий қутловларини топширади.

Мен КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг топшириғини алоҳида мамнуният билан бажо этиб, шахсан унинг дўст ироқ халқига, ироқнинг барча тараққийпарвар демократик кучларига муваффақият тилаб йўллаган табрик ва қутловларини топширамен.

КПСС делегациясининг Ироққа таклиф этилишини биз ленинчи Коммунистик партиямиз билан совет халқига нисбатан Ироқ раҳбарлари ва халқи дўстлигининг бир ифодаси деб биламиз. Биз қўёш нурига ва дўст диллар ҳароратига бой ғўзал мамлакатингизга келиш имконияти берилганлиги учун Араб Социалистик Уйғониш партияси (пасв) раҳбарлигига, унинг бош секретари, президент Аҳмад Ҳасан Аль-Бакрга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз. Ҳамма жойда бизга кўрсатилаётган ўртоқларча иззат-иқром ва меҳмондўстлик учун миннатдормиз.

1958 йилнинг 14 июли ва 1968 йилнинг 17 июли —Ироқ халқининг миллий ва социал озодлик учун олиб борган кураши йўлидаги бир-бири билан боғлиқ бўлган муҳим саналардир. Ироқ халқи реакцион, империалистларга ён босувчи монархиядан, турли миллатлар ва демократик кучларнинг тарқоқлигидан, Бағдод фактн кишанларидан, республика тузумига, 1970 йил 11 март шартномасига, прогрессив миллий фронтга эришди; феодализм ва компрадор буржуазия ҳукмронлигидан —қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳатга ва коллективчилик негизларини жорий этишга, давлат секторини барпо этишга ўтди; ажнабий нефть монополиялари зулмидан — «Ироқ петролеум компании» компаниясини давлат ихтиёрига олишга ва миллий нефть саноатини барпо этишга эришди. Бу ғалаба «Ироқ нефти—ироқ халқига» деган шиорни юзага чиқаришда катта қадам қўйилганлигини билдирди. Совет кишилари сизларнинг муваффақиятларингизга астойдил қувонадилар. Бундай бўлиши қонуниятли ва табиий бир ҳолдир, чунки Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикасининг халқлари ўртасида империализмга ва реакцияга қарши, озодлик ва социал тараққиёт учун курашда туб манфаатлар умумийдир. Империализм ва реакция позицияларини тугатиш миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, Ироқнинг замонавий экономикасига пойдевор қўйиш, империализмга қарши бўлган демократик кучларни жипслаштириш ва уларнинг ҳамкорлиги —ана шуларнинг ҳаммаси ироқ халқининг ҳам, совет халқининг ҳам, барча антиимпериалистик демократик кучларнинг ҳам манфаатларига мос бўлиб келди ва ҳозир ҳам мос бўлиб турибди. Эндиликда 1972 йилги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Ироқ шартномасининг моддаларида ўз ифодасини топган олиҳаноб принциплар ва ғоялар шу асосда чиниқиб, юзага чиқди.

Бу шартнома имзоланган кундан бери орадан бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди, шу шартнома ўз аҳамиятини ва ҳаётий кучини аллақачон исботлаганлигини биз ҳозирнинг ўзидаёқ айта оламиз. Совет— Ироқ шартномаси —халқаро миқёсидаги воқеа бўлиб, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг равнақи йўлидаги курашда Ироқнинг тараққийпарвар миллий кучлари позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ироқлик азиз дўстлар!

1972 йил декабрида совет халқи ўз кўп миллатли давлатининг олтин юбилейини — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини нишонлади. Ана шу катта байрамга келган меҳмонлар орасида биз дўст Ироқ Республикасидан келган меҳмонларни ҳам мамнуниятбилан табриклаб кутиб олдик. Бу байрам инсоният тарихида кўрилган барча жамиятлар орасида энг адолатли жамият бўлган социализм ютуқларининг чинакам кўриги бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР 50 йиллигига бағишланган ўз докладида партиямиз билан халқимизнинг жасоратига қойил қолдирувчи баъзи бир мисолларни айтиб берди.

Мамлакатимизда саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 50 йил давомида 320 баравар ўсди. Ҳозир Совет саноати бир ой ичида бутун 1940 йилдагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

СССР аҳолисининг реал даромадлари 1940 йилдан кейин тўрт баравардан знёд кўпайди.

Бу рақамлар замирида катта маъно бор. Маълумки, капиталистик давлатларнинг ривожи кўп жиҳатдан бошқа мамлакатларнинг —Араб мамлакатлари, Африка, Латин Америкаси мамлакатларининг ресурсларини эксплуатация қилиш ҳисобига таъминламоқда. Совет Иттифоқининг ютуқлари мутлақо бутунлай бошқа йўллар билан таъминламоқда. Бизнинг халқимиз ҳамма бойликларни ўз қўллари билан, ўз меҳнати билан барпо этмоқда.

Мен социализмнинг улуғвор ғалабасини —бутун мамлакатимизда миллий масала тўла-тўкис ва узил-кесил ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Барча совет халқари рус халқи теварагида қардошларча дўстликнинг бузилмас алоқалари билан бирлашган ягона оилага жипслашдилар. Улар орасида Коммунистик партияга, социалистик ватанга чексиз садоқатли меннинг жонажон Ўзбекистон Республикамнинг ҳам халқлари бор. Совет ҳокимияти йилларида одамларнинг янги тарихий бирлиги —Совет халқи қарор топди ва барқ уриб юксалмоқда, ривожланган социалистик жамият вужудга келтирилмоқда.

Ўтган йилларда эришилган ютуқлар нақадар улуғвор бўлмасин, бундан икки йил муқаддам бўлиб ўтган КПСС XXIV съезди қарорларида янада улкан вазифалар белгилаб берилди. Мамлакатимизнинг иқтисоди ва социал-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг съезд белгилаб берган улуғвор программасини совет кишилари муваффақиятли равишда бажармоқдалар.

(Давоми 3-бетда).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси Ироқ республикасига қилган сафаридан 20 июлда Москвага қайтиб келди. Делегация Ироқ Республикасининг миллий байрами муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашмоқ учун Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг таклифига биноан Ироққа борган эди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Курган область комитетининг биринчи секретари Ф. К. Князев ва Куйбишев область партия комитетининг секретари А. И. Калинин бор.

Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, КПСС Москва область комитетининг секретари Е. И. Сизенко, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Н. Земсков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Ироқ Республикасининг СССРдаги элчиси Солиҳ Мадҳи Амаш ҳам бор эди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Иқтисодий Билимлар Университети

17-МАШҒУЛОТ

ПАХТАЧИЛИКДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

СОВЕТ Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди Директиваларидан **тўққизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмини ўтган беш йилликдагига нисбатан СССР бўйича эса 30 процент кўпайтириш кўзда тутилади.**

Меҳнат унумдорлигини ошира бориш бу вазифани муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Маълумки, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга икки хил йўл билан: биринчидан, ходимлар сонини кўпайтириш ва, иккинчидан, меҳнат унумдорлигини ошириш асосида эришилади. Иккинчи йўл жамғариш ва истеъмолнинг юксак даражасини таъминловчи энг самарали йўлдир. **Тўқкизинчи беш йилликда колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлиги 37 — 40 процент оширилиши керак.**

Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари асосан фан-техника тараққиёти билан белгиланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши эса йирик индустриянинг ривожланиши, ишлаб чиқаришга фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш ҳамда агрозоотехника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, саккизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўсишининг 94 процентдан кўпроғига агрозоотехника тараққиёти ва фан ютуқларини жорий этиш асосида эришилди.

Тўқкизинчи беш йилликда эса ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш асосида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини 52 процент ошириш кўзда тутилади.

Механизацияни кенг жорий этиш ва техника тараққиётини ҳар тарафлама ривожлантириш кам меҳнат сарфлаб кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий йўлларидан ҳисобланади. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ортади ва маҳсулот таннархи камаяди.

МАЪЛУМКИ, кейинги йилларда Ўзбекистонда янги тракторлар, пахта териш машиналари ва асбоб-ускуналарини такомиллаштириш, уларнинг замонавий турларини жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Эски маркадаги машиналар ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланди, энергетика воситаларининг қуввати ошириди, пахтачиликни комплекс механизациялаш учун серунум машиналар системаси ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Масалан, **1960—1971 йилларда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатдан 141 мингтадан ортиқ трактор, 41 мингта пахта териш машинаси, 9,1 мингта дон комбайни, 26,2 мингта юк автомобиллари, 59 мингта плуг, 55,9 мингта чигит сеялкаси, 114 мингта ғўза культиваторн ва бошқа машина ҳамда замонавий қуроллар олдилар.** Бунинг натижасида республика қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиш даражаси анча ошди. Масалан, **1971 йилда колхозларнинг трактор парки қуввати 1960 йилдагига нисбатан қариб 3,3 баробар кўпайди.** Бу эса колхозларнинг кучли тракторлар билан тобора яхши қуролланаётганлигини кўрсатади.

Республика колхозларида 1960—1971 йиллар мобайнида пахта териш машиналари 3,8 марта, дон комбайнлари 2,1 марта ва юк автомобиллари эса 1,3 марта кўпайди.

Колхозларда машиналарнинг роли тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатининг энергия билан қуролланганлик состави бўйича ҳам билиш мумкин.

Республика колхозларида энергетика қуввати битта ходим ҳисобига 1960 йилда 3,2 от кучини ташкил этган бўлса, 1971 йили 6,6 от кучига етди. 100 гектар экин майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати эса 162 от кучидан 351 от кучига етди ёки 2,1 марта ошди.

Келажакда пахтакор колхоз ва совхозларни анча такомиллаштирилган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари билан қуроллантириш икки босқич давомида амалга оширилади.

Биринчи босқични яқин йилларда, иккинчисини эса 1980 йилга келиб амалга оширилади.

Биринчи босқич давомида 3т (ДТ — 75,Т — 74) классли мавжуд ҳайдов тракторларидан фойдаланиш билан бирга қишлоқ хўжалиги 4т классли (Т — 4 маркали) тракторлар билан планли равишда таъминлаб борилади ва 1975 йилга келиб пахтачилик бундай тракторлар билан тўла қуроллантирилади.

Т — 4 тракторининг тортиш кучи ва қуввати катта (100—130 от кучи), гусеницасига бикр ўрнатилган. Бу шудторлаш ва бошқа дала ишларга ишлов кенглиги ва тезлигини ошириш имконини беради.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти (САИМЭ) да олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, Т — 4 трактори билан ишлатилган машина, қуроллларинг унумдорлиги ДТ — 75 трактори билан ишлатилгандагига қараганда 1, 5 марта ортиқ бўлади.

Пахтачиликда чопиқ тракторларнинг икки хили — 60 сантиметрлик қатор оралари учун тортиш кучи 0,9 тонна бўлган ва 90 сантиметрлик қатор оралари учун 1,4 классли МТЗ-50х маркали тракторлардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Тор қатор оралари учун юқорида кўрсатиб ўтилганидек, 50 от кучига эга бўлган Т-28х4 трактори қўлланилади.

Келажакда Т-28х4 трактори двигателининг қувватини 60 от кучига етказиш мўлжалланмоқда.Бу тракторга олти қаторли машиналар системаси, шу жумладан олти қаторли пахта териш машинаси ўрнатиб ишлатилади.

Т-28х4 ва МТЗ-50хТ тракторлари учун 4 қаторли ўрнатма машиналар чиқарилмоқда. Улар гербицид солиш қурилмаси ва ғўзани чеканка қилиш мосламасига эга бўлган, уяларга аниқ миқдорда чигит ташлайдиган сеялка, пахта терадиган ва кўсак терадиган машиналар, пахта подборшчиги ва бошқалардан иборат.

Келажакда тракторлар сонини кўпайтириш мўлжалланади. 1975 йилда тракторлар сони 104 мингтадан 128,3 мингтага, яна беш-олти йиллардан сўнг эса 152,8 мингтага етказилади. Техника тараққиёти талабларини ҳисобга олиб, машиналар сифати ҳам яхшиланади: чопиқ тракторларнинг тортиш қуввати 25—30 от кучидан 50—75 от кучига қадар, ҳайдов тракторларинки эса 75 от кучидан 150 от кучигача оширилади.

Бунинг натижасида тракторларнинг иш тезлиги ва ишчи агрегатларининг ишлаш кенглиги оширилиши мумкин. Шунингдек, тракторларнинг бир марта ўтишида ишларни бирга қўшиб бажариш ҳисобига тракторларнинг далада ўтиш сони камаяди, барча ишлар қулай агротехника муддатларида бажарилади.

Кейинги йилларда пахта 60 сантиметрли қатор оралари ва 14хВ-2,4 маркали тўрт қаторли машина билан, 90 сантиметрли қатор оралари эса 17хВ-1,8 маркали икки қаторли машина билан терилмоқда.

Шу билан бир вақтда 90 сантиметрли қатор оралари ва ХН-3,6 маркали тўрт қаторли пахта териш машинаси синалди ва қўлланилмоқда. 25хВ-5,4 маркали олти қаторли машина модели текшириб кўрилди.

Иккинчи босқичда пахтачилик анча такомиллашган машиналар билан тўла қайта қуроллантирилади, ирригация-мелиорация тармоқларини тозалаш кисман механизациялаштирилади, бегона ўтлар илдизини йиғиштириш, тўплаш, юклаш тўла машиналар ёрдамида бажарилади, минерал ўғитларни тайёрлаш ва солиш, кер қаторлаб чигит экиш тўла, суғориш, чеканка ишлари қисман механизациялаштирилади. Шунингдек, **80 процент майдондаги пахтани ёки ялпи ҳосилнинг 65—70 проценти машинада терилди ҳамда тўкилган пахтани териб олиш механизациялаштирилади.**

Ҳисоблар шуни кўрсатадики, барча колхоз ва совхозлар техника воситалари комплекси 1971—1975 йиллар учун ишлаб чиқилган машиналар системаси (унга 2085 номдаги техника воситалари киради) билан таъминланган тақдирдагина деҳқончиликнинг асосий тармоқларида ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги техника билан анча яхши қуролланган илғор хўжаликларнинг ҳозирги кунда эришган даражасидан 1,5—2 марта ортади.

ТОШКЕНТ области колхозлари ҳам Ўзбекистон ССРнинг бошқа областларидаги хўжаликлар сингари замонавий қишлоқ хўжалик машиналари ва турли асбоб-ускуналар билан қуроллантирилади. Бу эса қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондларини анча оширишга имкон беради. Масалан, **қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондларининг 100 гектар ҳайдаладиган ерга тўғри келадиган қиймати Тошкент области колхозларида 1963—1971 йиллар ичида 66,7 процентга, машина ва асбоб-ускуналар қиймати эса 2, 3 марта ошди. Шу давр ичида битта хўжаликдаги трактор сони (15 от кучи ҳисобида) ўртача 1,9 марта, пахта териш машиналари 2,7 марта кўпайди.**

Тошкент область пахтакор хўжаликларининг юқори даражадаги техника билан қуролланганлиги шуни кўрсатадики, пахтачиликни механизациялаш натижасида деҳқонлар катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бунда ғўза парваришн ва ҳосилни йиғиб-териб олишда илғор усулларни жорий этиш, кўп сонли механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларни тарбиялаш муҳим роль ўйнади.

Буларнинг ҳаммаси кам меҳнат сарфлаб юқори ҳосил олишга имкон берди. Масалан, **1963 йил бир гектар пахта майдони ҳосибига қилинган меҳнат сарфи 114 киши кунини, 1971 йили 112,2 киши кунини ташкил этди. Шу давр ичида 1 центнер пахта етиштириш учун қилинган бевосита меҳнат харажатлари 5,17 киши кунидан 3,78 киши кунига камайди. Область бўйича ўртача ҳосилдорлик 1963—1971 йиллар давомида гектарига 6,0 центнерга ошди. Меҳнат унумдорлиги эса пахтачиликда қариб 24 процент ошди.**

Область колхозларида ғўза қатор оралари ишлов бериш 84 процент, пахта териш 60 процент механизациялаштирилди. Чигит экиш 30 кунга, чеканка қилиш 25 кунга, дефолиация қилиш эса 17 кунга қисқартирилади.

Бу маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, Тошкент областининг колхозлари пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу муваффақиятларга техникадан яхши фойдаланиш, янги машиналар билан қуроллаиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришдилар.

Шунга қарамасдан, областдаги кўпгина колхозларда техникадан фойдаланиш интенсивлиги, бинобарин, машина-трактор паркининг ўртача унумдорлиги сезиларли камайиб кетди. Бундан ташқари, техника ремонтига қилинадиган харажат ошди, эҳтиёт қисмлар кўп сарфланмоқда.

Кўпгина трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан бутун йил давомида тўлиқ фойдаланилмайди, улар турли сабаблар билан бўш туриб қолади, муддатдан илгари яроқсиз ҳолга келади. Натижада меҳнат унумдорлигининг пасайишига, маҳсулот таннархининг ортишига сабаб бўлади.

МЕҲНАТ унумдорлигини оширишда техникадан оқилона фойдаланиш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Машина-трактор паркидан самарали фойдаланиш учун тракторларнинг сменалик иш унумини ҳар тарафлама ошириш, ундан йил давомида фойдаланишга эришиш керак.

Сменалик ва кунлик иш унумининг ўзига хос томони шундан иборатки, у машиналар ишининг қатъий чегараланган вақти билан конкрет боғлиқ бўлади. Сменалик ва кунлик иш унуми фақат иш ҳажмининигина эмас, балки ишни бажариш муддатларини, механизаторлар иш вақтидан қандай фойдаланилганлигини, машина ва тракторларнинг техник ҳолатини ҳам ифода этади.

Трактор паркининг сменалик ва кунлик иш унумининг пастлигига сабаб шуки, областдаги кўпгина колхозларда машина ва механизмлар тракторнинг тўла қувватига хос тарзда танланмайди. Тракторлар тўла нагрузка билан ишламайди.

Масалан, галла экишда ДТ-54 ва ДТ-75 тракторига икки—уч сеялка ўрнига битта сеялка тиркаб ишлатилади. Смена вақтининг иш билан таъмин этилганлик даражаси ҳам жуда қониқарсиз.

Тошкент область колхозларида кўпгина процесслари бажараётганда асосий иш учун умумий смена вақтининг фақат 45—55 проценти кетади, илғор механизаторлар эса бу вақтнинг 70—80 процентидан фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам областдаги кўпгина колхозларда ҳайдов тракторларининг смена коэффициенти жуда паст.

Чигит экиш, ғўза қатор оралариға ишлов бериш ва пахтани териб олиш вақтида чопиқ тракторлари иш кунининг узунлиги 6-9 ва ундан ошиқ соатдан иборат бўлди. Шундан машина-трактор агрегатларининг чигит экиш учун кетган соф иш вақти сменада ўртача 3,1 соатни, ғўза қатор оралариға ишлов беришда 4,5 соатни ва пахтани териб олишда 4 соатни ташкил этади.

Областдаги бир қатор колхозларда машина-трактор агрегатлари бузуқлиги, ремонт материаллари билан етарлича таъминланмаганлиги, шунингдек, меҳнат ёмон ташкил қилинганлиги туфайли кўпгина бекор туриб қолади.

Машина-трактор паркидан фойдаланиш интенсивлиги бўйича Тошкент область колхозларини битта трактор (15 от кучи ҳисобида) нинг йиллик иш унумига қараб группалаганимизда шу нарса маълум бўлдики, иккинчи ва учинчи группа колхозларида биринчи группага нисбатан битта тракторнинг кунлик иш унуми 20,5 ва 65,4 процент ортиқ бўлган.

Машина-трактор паркидан интенсив фойдаланиш натижасида эксплуатация қилиш ва капитал ремонт харажатлари анча камаяди. Масалан, шартли бир гектарга кетадиган ёнилғи ва мойлаш материаллари сарфи учинчи группа колхозларида биринчи группа колхозларидагига қараганда 40 процентга, жорий ремонт ва техник қаров сарфи 39 процентга камайди. Учинчи группа колхозларида капитал ремонт харажатлари биринчи группа колхозлардагига қараганда 27,4 процент камайди. Ҳосилдорлик гектарига 12,3 процент ошди. Меҳнат унумдорлиги эса 2,2 баравар ошди. Машина тракторларидан фойдаланиш харажатларининг қисқартирилиши колхозларда анчагина меҳнат ва маблағ тежаб қолинишига имкон беради. Масалан, ялпи ҳосил қиймати биринчи группа колхозларга нисбатан учинчи группа колхозларда: 100 гектар экин майдонига ҳисобланганда 80,8 процент, 100 сўмлик асосий ишлаб чиқариш воситаларига ҳисобланганда 29,8 процент кўпайди. Яъни учинчи группа колхозларида деҳқончиликдан олинган жами фойда биринчи группа колхозларидагига қараганда 2,4 марта кўп бўлди. Еппасига шундай кўрсаткичга эришиш учун область колхозлари иқтисодий тежашга жиддий амал қилишлари керак. Биринчи навбатда, техникадан унумли фойдаланиш ва уни яхши сақлаш лозим. Шунингдек моддий ва пул воситаларидан тежаб фойдаланиш, беҳуда сарфларга йўл қўймаслик керак.

Трактор иши таннархи колхозларда техникадан фойдаланишни характерлайдиган асосий иқтисодий кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич трактор паркидан қандай фойдаланилаётганлиги, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, сақлаш, ёқилғи сарфлари, амортизация ажратмалари, меҳнатга тўланган ҳақ, меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштира боришни ўзида акс эттиради.

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, Тошкент область колхозларида бажарилган барча механизациялаштирилган ишлар таннархи 1971 йилда 1963 йилдагига нисбатан 1 шартли гектарга ҳисоблаганда 34 процент кўпайган. Белгиланган механизация ишларининг таннархи ортишига асосий сабаблардан бири, шуки, ёнилғини нотўғри қуйиш, тракторларнинг беҳуда юриши ва техникадан фойдаланишни тўғри ташкил қилмаслик натижасида кўплаб ёнилғи-мойлов материалларини исроф бўлишига йўл қўйилмоқда.

Ёнилғи аппаратларини регулировка қилиб туриш, қишлоқ хўжалик машина ва куролларини тўғри агрегатлаш, ва соғлом эрга ишлов берадиган машиналар ишчи органларини нормаль ҳолда бўлиши ёнилғи ва мойлаш материалларини тежаб сарфлашнинг асосий йўллари ҳисобланади.

ТЕХНИКАДАН фойдаланишга таъсир этувчи омилларни табиий ва ташкилий иқтисодий омилларга бўлиш мумкин. Табиий омилларга қуйидагилар киради: жойнинг рельефи; тупроқ типи ва механик состави, тупроқ намлиги, иш давларидаги иқлим шароитлари, ишлов бериладиган участкаларнинг катта-кичиклиги, далаларнинг тузилиши. Бу омилларнинг ҳаммаси табиий тарихий шароит туфайли шаклланган.

Ташкилий иқтисодий омиллар: машинага техник хизмат кўрсатишни яхши ташкил этиш, механизаторлар меҳнати ва машиналардан рационал фойдаланиш, иш унуми ва ёнилғи сарфининг техник жиҳатдан асосланган тўғри нормаларини белгилаш, ҳар бир хўжаликдаги машина-трактор паркининг рационал составини машиналардан фойдаланиш шароити, экиладиган экинлар структураси ва уларни парвариш қилишда қабул қилинган технологияни ҳисобга олган ҳолда белгилашдан иборат. Булар ичида энг муҳими тракторлар типи ва маркасини тўғри танлаш, тегишли технологияга мос келадиган машиналар сонини белгилашдир.

Мазкур омиллардан айримлари, хусусан участканинг катта-кичиклиги, затон узунлиги, агрегатнинг қамраш кенглиги ва унинг иш тезлиги, йиллик иш ҳажмининг таъсири, айрим ишларни бажарин технологиясини такомиллаштириш, механизатор кадрлар малакасини ошириш ва смена вақтидан фойдаланиш устида батафсил тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Сугориш участкаларининг кичик булакчаларидан иборат бўлиши машиналардан самарали фойдаланиш талаблари ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса пахтачиликда комплекс механизацияни амалга ошириш вазифаларига зид келади. Кўпгина кичик участкаларда замонавий техникадан амалда самарали фойдаланиш мумкин эмас. Сугориш участкаси қанчалик кичик ва ҳайдаш узунлиги қисқа бўлса, қайрилиш майдонлари шунчалик кўп майдонни ташкил этади, бунинг натижасида трактор агрегатларидан фойдаланиш самараси камаяди.

Ёнилғи ва мойлаш материалларига қилинадиган қўшимча харажатлар, амортизация учун ажратиладиган маблағ шуни кўрсатадики, агар трактор агрегатлари кичик сугориш участкаларида ишлатилса, қўшимча меҳнат ва маблағ сарфлашга тўғри келади.

Тошкент область хўжаликларидаги экин майдонларини катталиги жиҳатидан группалаш шуни кўрсатдики, кўпгина хўжаликларда экин майдонлари кичик карталардан иборат. Улар турли хил шаклда бўлиш билан бирга бир-биридан фарқ қилади.

Йирик участкалар асосан Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районларидадир. Бу ерда карталарнинг катталиги 15—18 гектаргача, узунлиги 400—600 метрга боради. Бу районларда теримни механизациялаш даражаси 65—74 процентни ташкил этади.

Тошкент области колхозларида ДТ-75 тракторларига КПГ-4 культиватори улаб, культивация қилишда участкаларнинг катта-кичиклиги ва ишлов узунлигининг меҳнат унумдорлигига таъсири устида ўтказилган ҳисоб-китоблар кўрсатишича, ишлов узунлиги 173 метр, участка катталиги икки гектар бўлганда агрегатнинг бир соатлик иш унумдорлиги 1,51 гектарни ташкил этади. **Ишлов узунлигини 173 метрдан 560 метрга ошириш билан агрегат иш унумдорлиги 47 процентга ортади. Бунда ишлов узунлиги 173 метр бўлганда бевосита харажатлар гектарига 1,40 сўмни ташкил қилди. Ишлов узунлигини 173 метрдан 560 метрга ошириш билан бевосита харажатлар 38 процент камайган.**

Ҳозирги вақтда пахтачиликда машиналарнинг иш тезлиги бошқа экинлар парваришида ишлатилгандаги тезликка қараганда анча паст бўлиб, 3,5—7,0 километрни ташкил этади. Бу ерда иш тезлигини бирмунча ошириш мумкин, лекин сугориш участкаларининг кичик ва ишлов узунлигининг қисқа бўлиши тезликни оширишга имкон бермайди.

БУТУНИТТИФОҚ пахтачилик илмий-текшириш институти (СоюзНИХИ) тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, ғўза парваришида тракторнинг дала бўйлаб ўтиш сони камайтирилса, яъни бир ўтишда культивация қилиш, сугориш эгатлари олиш, ўғит солиш ишлари бажарилса, тупроқнинг ҳолатига салбий таъсир этилмайди, озуқа элементлари камайиб кетмайди ва экининг бегона ўт босиши камаяди. Бундан ташқари, ғўза парваришн сифатига, унинг ўсишига, ривожланишига ва пахта ҳосилига салбий таъсир кўрсатмайди.

Ғўза парваришида механизациялаштирилган айрим ишларни бажариш технологиясини ташкомиллаштириш ва уни колхоз ҳамда совхозларда жорий этиш пахтачиликда комплекс механизацияни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

ҚИШЛОҚ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтириш механизатор кадрларнинг билимдонлиги ва маҳоратига боғлиқ. Маълумки, ҳозирги пайтда Тошкент области колхозларида механизатор кадрлар етишмаслиги сезилиб турибди. Область колхозларидаги тракторчи-машинистларнинг асосий қисми (73,1 проценти)нинг малакаси паст, яъни II ва III класс малакага эга. 1 класс малакага эга бўлган механизаторлар фақат 22,5 процентни ташкил этади, холос.

Шунинг учун механизаторлар малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор бериш керак, чунки колхозлар ҳар йили мураккаб техника билан таъминланмоқда, механизаторлар малакасини ошириш эса жуда суст бормоқда.

Механизаторлар моддий манфаатдорлиги оширилиб борилса, улар хўжаликлардан кетиб қолмайдилар, малакалари ошиб боради. Бу эса техникадан фойдаланишни яхшилашда муҳим омил ҳисобланади.

Шу маҳсадда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС «Қишлоқ хўжалигида меҳнат шароитини яхшилаш ва уни механизатор кадрлар билан таъминлаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда 1971—1972 йилларда кучли гусеницали трактор ва бажарган ишлари учун тракторчи-машинистларга анча юқори тариф ставкаларини жорий этиш, шунингдек ойлик иш ҳақига қўшимчалар ва узлуксиз иш стажи учун қўшимча отпуска бериш кўзда тутилади. Мазкур тадбирлар хўжаликларнинг кенг ихтисосли механизатор кадрларга эга бўлишларига ёрдам беради.

ХАР бир хўжаликнинг табиий иқлим—хўжалик шароитларини ҳисобга олган ҳолда машина ва тракторларнинг иқтисодий жиҳатдан анча фойдалиқ миқдор ва сифат составини аниқлаш керак. Ҳар бир хўжалик учун трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг шундай типи танланиши зарурки, бу биринчидан, қишлоқ хўжалигининг тортиш кучига бўлган барча талабларини қондирсин. Иккинчидан, ҳар бир трактор типининг иш зонаси етарлича кенг бўлсин ва ундан максимал даражада рационал фойдаланилсин. Конкрет хўжалик учун талаб қилинган машина-трактор парки состави ғўза комплексидаги асосий экинлар парваришининг истиқболи технологик картаси асосида ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоблаш иши Бўка район Хамза номли колхозда олиб борилди.

Колхознинг умумий ер майдони 3871 гектар, бундан 2477 гектар суғориладиган ери ташкил этади. Асосий майдоннинг 72,4 процентига пахта, 10,5 процентига беда, 4,6 процентига дон ва силос учун маккажўхори экилади.

Колхозда тўрт қаторли истиқболли машиналар системасини қўллашга ўтилса, механизациялаштирилган ишларнинг барча планлаштирилган ҳажмини юқоридагидан озроқ миқдордаги тракторлар билан бажариш мумкин. Чунончи, Т—4 ҳайдов тракторларидан 11 та, ғўза парвариши ва пахта териш учун Т-28Х4 чопиқ тракторидан 33 та керак бўлади. Колхозда чигитни янги технология бўйича кенг қаторлаб экишга ўтиш билан МТЗ—50 Х ва МТЗ—80 Х тракторларидан фойдаланиш имконияти туғилади. Кенг қаторлаб (90 см) чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш ва пахта териш тор (60 сўм(қаторлаб ишланганига нисбатан колхозга кўп фойда келтиради. Масалан, **Ҳамза номли колхоз 15 та культиватор, 9 та чеканка қиладиган мослама, 10 та универсал пахта кўсак терадиган машина 11 та чопиқ трактори тежай олади.**

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШнинг истиқболли вариантларини амалга ошириш қўшимча маблағ сарфлашдан ташқари бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Бу тадбирлар жумласига ер территориясини рационал ташкил қилиш, суғориш участкаларини йириклаштириш (1,5 гектардан 8—10 гектаргача) ва асосли текислаш, муваққат ариқларни доимий сув билан таъминлаш мақсадида ирригация тармоқларини қайта қуриш ва бошқалар киради.

Кенг ихтисосли механизатор кадрлар малакасини ошириш ва улар сонини кўпайтириш техника тараққиётини иқтисодий рағбатлантириш методларидан анча тўла фойдаланишда муҳим аҳамиятга эгадир. Буларнинг ҳаммаси пахтачиликда машиналардан самарали фойдаланиш, бинобарин, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини беради.

П. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг илмий ходими, иқтисод фанлари кандидати.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФА ШУНДАН ИБОРАТКИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК МИҚДОРИ ЎТГАН БЕШ ЙИЛЛИКДАГИГА НИСБАТАН 20—22 ПРОЦЕНТ ОШИРИЛСИН, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ВА САНОАТНИНГ ХОМ АШЁСИ БЎЛГАН ВА ТОБОРА ОШИБ БОРАЁТГАН ЭҲТИЁЖЛАРИ ТУЛАРОҚ ҚОНДИРИЛСИН. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ҲАР ТАРАФЛАМА МУСТАҲКАМЛАШ, ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ ХИМИЯЛАШТИРИШ, КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ УНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШ, ЕРЛАРНИ КЕНГ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ БУ ВАЗИФАНИ БАЖАРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИДИР. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ЯХШИЛАНСИН, ИХТИСОСЛАШТИРИШ КЕНГАЙТИРИЛСИН ВА МАРКАЗЛАШТИРИШ КУЧАЙТИРИЛСИН, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИДАН, ТЕХНИКА ҲАМДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЯХШИЛАНСИН.

КПСС XXIV съезди материалларидан.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҲОСИЛДОРЛИКНИНГ ЎСИШИ ВА УНИНГ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

ДАРҒАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Отахон шоиримиз Ғафур Ғулом ҳаётга ошиқ, кўпни кўрган, кўп жойларда бўлган соҳибқалам эди. У чет мамлакатларда, қардош республикаларда кўп марта бўлди. У қардош Тожикистонда, унинг пойтахти Душанбеда, қадимий ва навқирон Ленинободда, шунингдек Исфара, Конибодом, тоғли Бадахшон ва бошқа шаҳарларида, районларида меҳмон бўлган. Тожикистоннинг гўзал манзараларини, Ўзбекистон билан туташ далаларини, совет даврида бунёд бўлган гигант иншоотларини, завод ва фабрикаларни, меҳнатсевар, меҳмондўст тожик халқи ҳаёти билан танишди, соҳиб қаламлари билан ҳамсуҳбат бўлди. С. Айний, А. Лоҳутий, М. Турсунзода, Р. Жалил, С. Улуғзода, А. Деҳотий, М. Миршакар, Б. Раҳимзода, Ж. Икромий сингари тожик совет адабиёти арбоблари билан абадий дўст тутинди.

Устоз Навоий ва Жомий бошлаб берган самимий дўстлик анъаналарини, адабий ва маданий алоқаларни совет даврида ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб Ғафур Ғулом давом эттирди ва ривожлантирди. Шоиримиз Тожикистонга сафар қилганида ҳар гал ана шу дўстларини кўрмасдан, улар билан мушоира ўтказмасдан қайтмас ёки тожик қаламкаш дўстлари Ўзбекистон, хусусан, Тошкентга ташриф буюрганда Ғафур Ғулом уйига меҳмон бўлмасдан, бир пиёла кўк чой ичмасдан кетмас эдилар.

Маълумки, С. Айний ҳам тожик, ҳам ўзбек ёзувчиси. Шу билан баробар, у таниқли олим, ажойиб тарбиячи ҳам бўлган. С. Айний умрининг охиригача Самарқанд ва Тошкент зиёлилари билан ижодий ҳамкорлик қилган, бир қанча педагог ва олимларни етиштиришда, ёш кадрларни тайёрлашда самарали ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам шоиримиз Ғафур Ғулом «Муҳтарам устозимиз Айний» бўладилар деб айтган эди. Шоирнинг С. Айний билан самимий ва шахсий дўстлиги, адабий ҳамкорлиги 30-йиллар бошидан бошланган. Ғафур Ғулом бу ҳақда шундай дейди: — «...Муҳтарам устозимиз Айний ва Лоҳутий менинг уйимни ўз уйлари деб билардилар. Уларнинг Тошкентдаги қўйоқ жойлари менинг уйим бўлгучи эди».

Ғафур Ғулом С. Айнийни «муҳтарам устозимиз» деб бежиз айтмаган; шоиримиз Айнийдан билим бобида кўп нарсани ўрганган, кўп тарбиясини олган, машҳур асарларини («Доҳунда», «Қуллар» ва бошқалар) севиб ўқиган, унинг мактабини чаққан. Шунинг учун ҳам шоиримизнинг Айнийга бўлган ихлоси баланд. Қуйидаги шеър бунинг ёрқин гувоҳидир:

Бу оқсоқоллик сенга субҳи
содиқдай,
Шу ёшда бошланади тонг каби
йигит бир умр,
Умрки, ишқ ила, ижод ила,
ғурурла тўла,
Умрки, бунда йигит эҳтироси,
завқу сурур.
Зулм йўлин оша келмиш бу
ерга «Доҳунда»,
Оғир кишанли ғуломлар оларди
қонли нафас.
Ғуломлар оламин сезгувчи
қолув зинда,
Бу «Қуллар» қуйчиси ҳурмат
билан яшар-ўлмас.
Ўсар севимли ва бахтли
бизнинг шонли Ватан,
Ҳаётимиз ҳали минг
«Шоҳнома»лар бўлади.
Ёзишда шоҳ асарингни сенинг
билан бир тан,
Қалам сафи азамат новдалар
билан тўлади.

Бу шеър шоир томонидан 1935 йил 13 декабрда С. Айний юбилейи кечаси ўқиб берилган. Ғафур Ғулом ва С. Айний бир-бирига ниҳоят меҳрибон ва қадрдон эди. Улар ўртасидаги самимий ва ҳақиқий дўстлик, адабий ҳамкорлик ўзбек-тожик адиблари ижодий ҳамкорлигининг абадий тимсоли бўлиб қолади. Ёзувчи Ҳамид Ғулом икки улкан адибнинг дўстлиги ҳақида шундай ҳикоя қилади: — «Ватан уруши тугаган йили юз берган бир воқеа ҳамон эсимда. Самарқандлик дўстларимиз С. Айний бироз бетоб бўлиб қолганини хабар қилишди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлар эдим. Ғафур акани янги шеърини олиб келди ва устознинг бетоблигини эшитиб ўта қайғурди. «Самарқандга кетдик! — деди у менга, — машина пастда», Самарқандга жўнадик. С. Аннийнинг Регистон яқинидаги уйига етиб бордик. Устод чиндан ҳам хаста экан, Ғафур акани кўриб терисига сиғмай қуйим севиб ўқиган, узоқ вақт хотирасида сақлаб юрган. Шунингдек, шоиримиз Аннийнинг биринчи бор Тошкентга келганидан ва бу ерда шеърлар ёзганидан яхши хабардор бўлган. Тошкентдаги Шарқшунослик институти фондида устод Аннийнинг шеърлари борлигини адабиёт мухлисларига маълум қилган. Бу ҳақда адабиётшунос олим А. Ҳайитметов шундай ёзади: — «...Шарқшунослик институтининг Шайхантоҳурдари биносида устоз Ғафур Ғулом билан учрашиб қолдим. Салом-аликдан сўнг, гап орасида у кишї менга: — шу Шарқшунослик институтининг фондида «Машҳур эрлар» деган китоб бор. Ўшанинг охирида домланинг ҳеч қаерда эълон қилинмаган бир шеъри бўлиши керак. Шуни қидириб топмайсанми? — деганида А. Ҳайитметов ҳозиржавоблик билан бу ишга киришиб, Аннийнинг Тошкентда (19 Май, 1918 йил) тожик тилида ёзилган бир эмас, икки шеъри (бири рубойи, иккинчиси «Эй Ватан») борлигини аниқлаган ва матбуотда эълон қилган. Демак, бундан ҳам кўриниб турибдики, Ғафур Ғуломнинг устоз Аннийга бўлган ҳурмат ва эътиқоди жуда кучли бўлган.

Отахон шоир Ғафур Ғулом тожик совет шоири Абулқосим Лоҳутий билан ҳам самимий дўст эди. Шоиримиз Лоҳутийнинг Душанбедаги ва Москвадаги уйларида — деганида А. Ҳайитметов ҳозиржавоблик билан бу ишга киришиб, Аннийнинг Тошкентда (19 Май, 1918 йил) тожик тилида ёзилган бир эмас, икки шеъри (бири рубойи, иккинчиси «Эй Ватан») борлигини аниқлаган ва матбуотда эълон қилган. Демак, бундан ҳам кўриниб турибдики, Ғафур Ғуломнинг устоз Аннийга бўлган ҳурмат ва эътиқоди жуда кучли бўлган.

Отахон шоир Ғафур Ғулом тожик совет шоири Абулқосим Лоҳутий билан ҳам самимий дўст эди. Шоиримиз Лоҳутийнинг Душанбедаги ва Москвадаги уйларида кетар эди. Мушоира сўзини бу ерда бошқача англаш керак. Биз тўсатдан байтлар ва тўртликлар тўқувчилар эмас эдик. Бизнинг суҳбатимизда Ҳайём, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Пушкин ва Лермонтовлар ҳозир бўлар эдилар».

Ғафур Ғулом Лоҳутийнинг «Ватандан қарзим», «Эрон қизи» каби шеърларини таржима қилди ва Лоҳутий ижодига, унинг шоирлик маҳоратига юксак баҳо берди. Айни чоқда Лоҳутий ҳам дўстининг ижодидан илҳомланиб: — «Совет шоири Ғафур Ғулом социалистик ўзбек маданияти ва бутун совет халқлари маданияти хазинасидаги ярақлаб турадиган тугма талантлардан, олмослардан биридир. Бу олмоснинг қирраларида Улуғ Навоий авлодлари асрлар оша эҳтиётлик билан асраб келтирилган ажойиб сўз санъати жилва беради», — деб ёзган эди.

Ғафур Ғулом ва тожик шоирлари ўртасидаги самимий ва шахсий дўстлик, адабий ҳамкорлик шоиримизнинг бугунги тожик адабиёти билан янада яқинроқ қилиб қўйди, Ғафур Ғулом ижодида тожик совет адабиёти яқинлигининг асосий воситаларидан яна бири, — бу шоир томонидан тожик тилини жуда яхши билганлигида ва шу тилда ёзилган ҳар бир бадиий асарни ўқиб, чуқур тушуна олганлигида, ўша асарни маҳорат билан ўзбек тилига таржима қила билганлигида кўринади. Ғафур Ғуломнинг Рудакийнинг «Қариликдан шикоят», Саъдийнинг «Гулистон», М. Турсунзоданинг «Ҳиндистон қиссаси» шеърлар туркуми ва бошқа асарларни таржима қилиши, шунингдек, шоирнинг Тожикистонга борганда адабий анжуманларда ҳар гал тожик тилида сўзлашгани, унинг тожик тилини нақадар мукаммал билганлигидан далолат бериб турибди.

Ғафур Ғулом тожик тилида чиройли хатлар ёзган, шеърлар битган. Тожик ҳамқалам дўстларидан келган мактубларга у кўпинча тожик тилида жавоб қайтарар ва мактуб хотимасини албатта шеър билан тугатар эди. Тожик адиби Раҳим Жалил дўсти Ғафур Ғуломга йўллаган бир мактубида ёзади:

Эй рафиқи қадрдони ман
Ғафур,
Соҳибистеъдоди донёву жасур,
Тинмайин ёзгил совет халқи
учун,
Партия гўёд ба ту
«қаднингни ур!»

Шоиримиз Ғафур Ғулом ҳам айни чоқда шу формада шеърлар битиб, дўстига жавоб хати ёзган:

Жўраи жони Раҳимжони
Жалил,
Бандага бир илтифоте
айлагил:
Меҳмон бўлгил уйимга як-ду
рўз,
Келину Пўлоду Гулрў бирла
кел.

Пўлоду Гулрў — тўртинчи мисрада асосан, шундай дейилади: Биринчидан, бола-чақаларинг билан кел демоқчи. Чунки, Раҳим Жалилнинг Пўлод ва Гулрў исмли ўғил-қизи бор; иккинчидан, «Пўлод ва Гулрў» романнигни ҳам бирга олиб кел дейди шоиримиз.

Ҳақиқатан, шоиримиз одамдўст, кишини зериктирмайдиган ҳазилкаш ва айтган сўзини устидан чиқадиган ажойиб инсон эди.

М. ВАҚОЕВ.
Ўзбек Совет Энциклопедиясининг катта илмий муҳаррири.

Ш. Р. РАШИДОВНИНГ БАҒДОД ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

Совет Иттифоқи ўз ҳаёти биринчи асрининг иккинчи палласига куч-қувватга тўлган, улкан ҳаётбахш ғайрати жўш урган ҳолда қадам қўйди. КПСС XXIV съезди белгилаб берган йўлда қўйилган ҳар бир қадам, коммунистик қурилишда эришилган ҳар бир янги зафар ватанимизнинг иқтисоди ва сиёсий қудратини муттасил юксалтирмоқда, унинг халқаро позицилари ва обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда.

Тинчлик ва социализм тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу ҳақиқат КПСС билан Совет Давлатининг халқаро фаолиятида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Совет Иттифоқи КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан тинчлик программасига амал қилиб ташқи сиёсат соҳасида СССРда коммунизм қуриш учун тинч шарт-шароитларни таъминлаб берадиган, социализм, халқларнинг озодлиги, ер юзида тинчлик ишини ҳимоя қилишни таъминлаб берадиган йўлни начиллик билан муттасил ўтказиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШ ва бошқа мамлакатларга яқинда қилган визитлари Совет тинчлик программасини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев АҚШда олиб борган музокараларида тинчлик ишини, ўз мустақиллиги, озодлиги ва социал тараққиёти учун курашаётган халқларнинг одилона талабларини қатъият ва изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Шу тариқа у давримизнинг туб вазифасини-инсониятни жаҳон уруши хавфидан халос қилиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда уруш ва зўравонликка йўл қўймаслик вазифасини ҳал этишга шахсан жуда катта ҳисса қўшди. Олий даражадаги Совет-Америка музокаралари халқаро вазиятга катта самарали таъсир ўтказмоқда, булар орасида мен ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги тарихий битимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ҳозир дунёдаги бутун сиёсий ўзгаришлар реал воқеалар бўлиб қолди. Ҳали яқиндагина Вьетнам да уруш олови ловуллаб турган эди. Агрессорларга ва уларнинг гумашталарига қарши курашда ўз сафларини жипслаштирган вьетнам халқи Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қудратли мададига, дунёдаги тараққипарвар кучларнинг бирдамлигига таяниб, узоқ давом этган курашда галабага эришди. одилона озодлик ва мустақиллик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолди. Европа қитъасидаги сиёсий иқлим анча соғломлашди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланиб социалистик мамлакатларнинг ташаббуси билан чақирилган кенгаш ўз ишини бошлади.

Кескинликни юмшатиш ва турли ижтимоий системалардаги давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтириш сари кескин силжиш бўлишига эришилмоқда. Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда бу принципларнинг халқаро муносабатларда ҳамма эътироф этган ва мустаҳкам норма бўлиб қолиши учун курашмоқда. Бу мақсадга эришиш империализмнинг агрессив кирдикорлари қиёсиб қўйилганлигини билдиради, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ишига таҳлика солаётган доиралар учун чидаб бўлмайдиган вазиятни вужудга келтиради.

Азиз дўстлар!

Дунёдаги янги воқеалар, тинчлик, миллий мустақиллик ва тараққиёт кучларининг позициялари мустаҳкамланаётганлиги ўз-ўзидан, стихияли равишда содир бўлаётгани йўқ, албатта. Бу — жаҳон социалистик системаси билан капиталистик система ўртасидаги кучлар нисбати ўзининг синфий табиатини мутлақо ўзгартирмаган капитализм ва империализм фойдасига эмас, балки социализм фойдасига ўзгарганлигининг бевосита натижасидир.

Эндиликда империализм ҳозирги дунё ривожини орқага буриб юборишга қодир эмас. Бунинг сабаби шуки, энди Совет Иттифоқининг қудрати ва халқаро обрў-эътибори беқиёс ошиб кетди. Социалистик ҳамдўстлик ҳар томонлама мустаҳкамланди, халқаро ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати шитоб билан юксалди.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси — халқларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлигига эришмоқ учун ҳали жуда кўп иш қилиш лозим, деган тушунчани равшан англаш қобилиятимизни заррача ҳам бўшаштирмаслиги керак. Халқаро вазиятда аниқ сезилабошлаган ижобий силжишни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳаётий муҳим вазифадир. Капитал дунёсида ҳамон таъсирли позицияларни эгаллаб турган агрессив кучлар ўз кирдикорлари барбод бўлганлигига чидай олмай, «совуқ уруш»ни яна бошлаб юборишга уринмоқдалар, халқ айрим жойларда ўчирилмаган уруш ўчоқларини аланга олдиришга интилмоқдалар.

Тараққипарвар ва тинчликсевар кучлар ўз сафларини янада жипслаштиришлари, империализм ва реакция кирдикорларига нисбатан ғоят хушёр бўлиб туришлари, уларнинг халқ манфаатларига зид режаларига қарши актив кураш олиб боришлари керак.

Ялпи тинчлик манфаатлари, яқин Шарқ халқлари тинчлиги ва хавфсизлигининг манфаатлари халқаро империализм ва сионизм мадади билан араб халқларига қарши ҳамон давом этаётган Исроил агрессияси даҳшатли тўхталишини талаб қилади. Яқин Шарқдаги гулханнинг бурқиб турганчўғлари ўчирилмоғи лозим. Араб мамлакатларининг миллий бойликларини эксплуатация қилаётган империалист доиралар, шунингдек Исроилнинг империалистик агрессияси қурбони бўлган араб халқларининг ва давлатларининг қийинчиликларидан андишасизларча фойдаланиб қолишга уриниб, ўзларининг гегемончилик мақсадларига эришмоқчи бўлган кимсалар шу гулхан атрофида ўз қўлларини иситиб олишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги аҳвол масалаларидаги позицияси равшан ва мустаҳкамдир. Олий даражада яқинда ўтказилган Совет—Америка музокаралари давомида ҳам бу позиция қатъият билан ҳимоя қилинди. Яқин Шарқдаги можаро шу райондаги барча халқлар ва давлатларнинг, ҳуқуқлари ва манфаатларини, шу жумладан фаластин халқининг манфаатларини ҳам таъминлайдиган принциплар асосида бартараф этилиши керак. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити якунлари тўғрисидаги қарорида бундай дейилган: «Совет Иттифоқи ўзининг тинчлик программасига мувофиқ Яқин Шарқдаги уруш манбаини агрессияга учраган давлатлар ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида тугатишга принципиал аҳамият беради. Исроил қўшинларини босиб олинган ҳамма Араб ерларидан чиқартириб юбориш — яқин Шарқ проблемасини одилона ҳал этиш негизидир».

Совет Иттифоқи ўз миллий шонш-шарафини, мустақиллигини ва демократик галабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган араб халқларига муттасил, ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келди ва ҳозир ҳам шундай қилмоқда. Исроил агрессорлари билан уларнинг ҳомийлари Яқин Шарқ можаросини одилона ҳал этишга қаратилган куч-ғайратларни барбод этиш йўлидаги ўз уринишлари ўз дўстларга ва иттифоқчиларининг мададига таянаётган Араб давлатларининг тобора кучлироқ зарбасига дуч келиши билан ҳисоблашишига мажбурлар равишда мажбур бўладилар.

Азиз дўстлар!

Маълумки, сиз билан бизнинг умумий душманларимиз Совет—Ироқ дўстлигига путур етказиш учун, бизнинг самарали ўзаро ҳамкорлигимизга путур етказиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Араб мамлакатлари халқларининг кўпгина ошкора душманлари ва сохта дўстлари араб халқларини яккалаб қўйиш, уларнинг курашда бўлган иродасини бўшаштириш учун энг қабиҳ воситаларни ишга солмоқдалар.

Империалистик ва реакцион пропаганда Совет Иттифоқининг сиёсатига тинимсиз тухмат ёғдирмоқда.

Бу пропаганда яриқ асрдан бери ўзининг шу қилмишини давом эттириб, ҳақиқат қўёшинқ халқлардан ўзининг жирканч қўллари билан яшириш беҳуда ўринмоқда. Душманлар Совет Иттифоқи, яъни халқимиз — ишчилар билан деҳқонлар Яқин Шарқда «Пинҳона ва ғаразли мақсадлар»ни кўзламоқда деган бўлмағур гапларни айтмоқдалар. Бундан ҳам бемаъни ва қабиҳ уйдирмани тўқиб чиқариш қийин. Шундай бўлса ҳам сўзда ўзларини арабларнинг «дўстлари» қилиб кўрсатиб, амалда эса араб халқларининг душманлари билан бирлашиб кетаётган кимсалар бу уйдирмани империалистлар билан бирга зўр бериб тарқатмоқдалар. Ўз овозини империалистик пропаганда жарчилари овозига қўшишни лозим кўраётган айрим кишилар баъзи Араб мамлакатларининг матбуотида кўриниб қолаётганлиги ҳам кишини газабландиради. Ана шундай бўхтон ва туҳматларни тарқатувчиларинг ҳаммасига биз кескин зарба бериб келдик ва зарба бераверамиз. Бундай қилиш империализмга қарши барча чин курашчиларнинг бурчидир.

Совет коммунистлари дўст араб халқининг ҳозирги замон цивилизацияси барча неъматларидан фойдаланиладиган бўлишини, ўзининг барча миллий ресурсларига тўла ҳуқуқли ҳўжайин бўлиб қолишини истайдилар. Биз қардош миллатлар бўлган араблар, курдлар ва бошқа майда миллатлардан тарқиб топган ироқ халқи янги жамият — миллий ва социал озодлик жамияти биносини муваффақиятли равишда барпо этишини истаймиз. Азиз дўстлар, биз Ироқнинг демократик кучлари, унинг прогрессив миллий партиялари, Араб Социалистик Уйғониш партияси, Курдистон Демократик партияси, Ироқ Коммунистик партияси ўз сафларини ягона монолит фронтда жипслаштиришларини тилаймиз. Шундагина империализм ва гумашталарининг, Ироқ халқ бирлигига путур етказиш, унинг порлоқ келажак йўлини бекитиб қўйиш мақсадида бўлган ҳамма кимсаларнинг Ироққа қарши кирдикорлари беҳуда бўлиб чиқади.

Азиз дўстлар! Гапимнинг охирида Совет Иттифоқи ленинча, синфий, социалистик ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиб, Исроил агрессиясига қарши, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун, империализм ва реакция кирдикорларини даф этишда ҳаракат бирлиги учун олиб борилаётган адолатли курашда ҳамиша Ироқ Республикасига ва бошқа Араб давлатларига мададкор бўлиб қолади, деб сизларни ишонтиришга ижозат бергайсиз.

Доно халқнинг «Халқлар дўстлиги — халқлар бойлиги» деган гапи бор. Бас, шундай экан, ҳаммамизнинг бойлигимиз бўлган совет ва ироқ халқларининг дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлай берайлик!

Иттифотингиз учун ташаккур.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҲАЕТ ИЗГА ТУШИБ БОРМОҚДА

ДЕҲЛИ, 20 июль. (ТАСС) Афғонистон пойтахтида ҳаёт бир маромда бормоқда. Шу кунларда шаҳарнинг чорраҳаларида ва стратегик районларида турган танклар ўз базаларига қайтиб кетди. Қобулдаги магазинлар, бозорларда савдо-сотиқ давом этмоқда. Аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Нарх-наво аввалги даражада сақланиб қолмоқда. «Ислоҳанис», «Қабул таймс» газеталари аҳолининг яқинда рўй берган воқеаларга муносабати тўғрисидаги мақола ва репортажларда республика эълон қилинишини табриклаётганлигини ва янги режимни қўллаб-қувватлаш ниятида эканлигини таъкидлайдилар.

«Кабул таймс» газетаси армия вилоятлардаги аҳволни тамомила назорат қилиб турганлигини билдиради. Мозори Шариф, Шибарганда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида нормал вазият ҳукм сурмоқда. Кобул билан Шибарган, Жалолобод ва Ғазна ўртасидаги автомагистраллар транспорт қатновни учун очиб қўйилди.

Кобул аэропорти яқин орада иш бошлайди.

БОЛГАРИЯ—ФРАНЦИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

СОФИЯ, 23 июль. (ТАСС). Франция бош министри П. Месмер Болгария Халқ Республикаси Министрлар советининг раиси С. Тодоровнинг таклифига биноан 20—21 июлда расмий визит билан Болгария Халқ Республикасида бўлди. Унга ташқи ишлар министри М. Жобер ҳамроҳлик қилди.

БХР давлат кенгашининг раиси Т. Живков П. Месмер билан М. Жоберни қабул қилди.

Музокаралар тугаши билан эълон қилинган Болгария-Франция қўшма ахборотида айтилганидек, музокаралар дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик вазиятда ўтди, кўпгина масалалар бўйича ҳар иккала ҳукуматнинг қарашлари бир-бирига жуда яқинлигини бу музокаралар тасдиқлади. Музокаралар вақтида энг муҳим халқаро проблемалар ҳамда икки томонлама муносабатларга доир масалалар қараб чиқилди.

Томонлар Европада кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик қилишда олга қадам қўйилганлигини мамнуният билан қайд этганликлари ахборотда таъкидлаб ўтилади. Қитъада мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига бўлган ўз интилишларида улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш дастлабки босқичининг натижаларини табрикладилар ҳамда бу кенгашнинг муваффақиятли ишлашига актив равишда кўмаклашиш ниятида эканликларини айтдилар.

Томонлар БХР билан Франция ўртасидаги муносабатлар самарали ривожланиб бораётганлигини ва бу муносабатларни янада яхшилаш учун ҳамма шароитлар мавжудлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

ЁШЛАРНИНГ БИРИНЧИ УМУМАФРИКА ФЕСТИВАЛИ

ТУНИС, 23 июль. (ТАСС). Ёшларнинг Тунис пойтахтида ўтган биринчи умумафрика фестиваля ёпилди. У фестиваль улкан машъални кўтариб юриш ҳамда оммавий сайл билан якунланди.

Африкадаги 34 мустақил мамлакатнинг ва миллий озодлик ҳаракатининг 4 минг ёш вакиллари бир ҳафта мобайнида «Қора қитъа» ҳалқларини тўлқинлантириб турган жуда муҳим проблемаларни муҳокама қилдилар. Фестиваль вақтида бўлиб ўтган мунозаларнинг диққат марказида Африка давлатларининг сиёсий ҳамда иқтисодий мустақиллигини, бирлиги ва ҳамкорлигини, мустаҳкамлаш, уларнинг социал ва маданий ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалалар турди.

Фестиваль бошиданоқ яққол кўриниб турган антиимпериалистик тус олди.

ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА „ПРАЦЕ“ ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ПРАГА, 21 июль. (ТАСС). Чехословакия касаба союз ташкилотининг «Праце» газетаси «Пекин — кескинлик юмшатилишига қарши» сарлавҳали редакцион мақолани босиб чиқарди.

Хитой раҳбарларининг ҳозирги сиёсати, дейилади мақолада, кейинги йилларда тактика жиҳатидан анча ўзгарди. Маочиларнинг 60 йилларнинг иккинчи ярмида амалга оширилган экстремист авантюристик йўлининг салбий оқибатларини тугатиш йўлидаги интилиш буни тақозо этди. Бу йўлнинг «ялпи уруш»га «Кескинликка қарши кескин курашга», «Жаҳон қишлоғининг жаҳон шаҳри»га қарши курашга қаратилган концепсияси машъум маданий революция вақтида эълон қилинган эди. Бу концепция Хитойни халқаро майдонда якаллаб қўйди. Хитой раҳбарларининг алоҳида йўл деб аталмиш ана шу йўлининг барбод бўлганлиги ҳозирги кунда халқлар ўртасидаги муносабатларда совуқ уруш, аўровонлик ва адоватни ҳимоя қилиш ғоялари манзур бўлмай қолганлигини намойиш қилди.

Хитой Компартиясининг 1969 йил апрель ойида бўлиб ўтган IX съездидан кейин маочиларнинг сиёсатида айрим бурилишлар содир бўлди. Бу ҳол ички кураш ғоят кескин тус олган бир шароитда Хитой раҳбарлигида бир қанча тангликни вужудга келтирди. 1971 йил куз фаслида Линь Бяо Группасининг агдариб ташланганлиги бу тангликларнинг энг юқори нуқтаси бўлди. Аммо тактика ва методларнинг ўзгариши Пекиннинг асосий стратегик йўлини қайтадан кўриб чиқишдан асло далолат бермас эди. Хитой пропагандаси эълон қилган янги тинчлик стратегияси деб аталган стратегия кескинликни юмшатиш йўлидаги ҳар бир ғоя ва ҳар бир қадамга душманликдан бошқа бир нарса эмас эди.

Кўп фактлар, хусусан кейинги вақтлардаги фактлар Пекин ўзининг амалий ҳаракатларида илгаригидек ҳозирда ҳам, аввало, халқаро кескинликни авж олдиришга, жаҳоннинг турли районларида ғғвогарлик мақсадида низолар туғдиришга умид боғлаётганлигини яққол исбот этади. Пекин «ўта қудратли икки давлатга қарши кураш» ниқоби остида Европада ва бутун дунёда тинчлик йўлидаги жараёнга тўсқинлик қилишга уринмоқда.

Хитой раҳбарлари, дейилади яна мақолада, Германия Федератив Республикаси билан СССР ўртасида, Германия федератив Республикаси билан Польша ўртасида тузилган шартномаларга ва Ғарбий Берлин хусусидаги битимга нисбатан салбий йўл тутди. Улар Европадаги мавжуд давлат чегараларини ревизия қилишни талаб этадилар.

Пекин ана шу йўлига мувофиқ совуқ урушнинг ашаддий тарафдорлари бўлган империалистик доиралар билан тобора маҳкам ҳамкорлик қилмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик қилмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг биринчи босқичига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш муносабати билан Пекиннинг ана шу йўли жуда яққол намоён бўлди.

Пекин кенгашнинг чақирилиши маъқулламаганлигини изҳор қилиш билангина чекланиб қолмади. У сиёсий ва пропаганда кампаниясини ҳам кенг авж олдирди. Пекин бу кампанияда Европа ҳамжиҳатлиги планини Совет хавфи бор, деган уйдирмалар билан беобрў қилмоқчи бўлади.

Бундай ҳаракатлардан кузатилган мақсад равшан. Бу мақсад халқларни «совуқ уруш» вазиятига қайтаришдан, НАТО мамлакатлари билан Варшава шартномаси давлатлари ўртасида яна кураш ҳолатини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли Пекин Ғарбий Европа давлатларининг социалистик ҳамдўстликка қарши «жипслашуви»ни қўллаб-қувватлайди.

Газета, яна қуйидагиларни таъкидлайди: Хитой полигонида атом бомбасининг портлатилганлиги Пекиннинг Хитой раҳбарлари шаҳонда кескинлик сақлаб қолинган тақдирдагина ўзларининг гегемонлик мақсадларига эришишлари мумкин эканлиги тўғрисидаги қарашлари ва эътиқодини яққол ифодалаб берди. Шунинг учун ҳам Пекин раҳбарлари барча реакцион кучлар билан бирлашмоқдалар, шунинг учун ҳам улар ҳамжиҳатлик ва тинчликка интилаётган бутун социалистик ҳамдўстликка, барча тараққипарвар кучларга қарши кураш фронтини очмоқдалар.



Суратда: Суриядаги Ас-Саура шаҳрида Евфрат дарёсини тантаналли суратда тўсиш пайти акс эттирилган. Бу ерда Совет Иттифоқининг ёрдами билан гидроэнергетика комплекси қурилади.

В. ЕГОРОВ фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

СОЦИАЛИ С Т И К

Чирчиқ шаҳри йил сайин гўзаллашиб, областимизнинг энг кўркам ва хушманзара шаҳарларидан бирига айланиб бормоқда. Суратда: химиклар саройи олдидаги майдонда.

В. ТЮРГАШКИН фотоси.

ШИФОКОРЛАР КУТУБХОНАСИДА

ТОШКЕНТДАГИ медицина ходимлари кутубхонаси ҳар доим китобхонлар билан гавжум бўлади. Китобхонлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Китоб фонди эса 582 мингдан ошди.

Бу ерда тез-тез медицина темасига оид китобхонлар конференцияси бўлиб туради. Медицинага оид чиқаётган янги китобларни, мутахассисларнинг мақолаларини пропаганда қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Коллектив йирик касалхоналарда, илмий-текшириш институтларида кўчма кутубхоналар ташкил этган. Бу кўчма кутубхоналарда ҳозирги замон медицинасига оид илмий китоблар кўп. Масалан, шаҳардаги 2-клиник касалхона, қон қуйиш институти, 7-туғруқхона ва Тошкент шаҳрининг бошқа касалхоналарида кўчма кутубхона ишлаб турибди. Шунингдек 3-болалар поликлиникаси, 10-поликлиникада, тез ёрдам кўрсатиш касалхоналарида ҳам кўчма кутубхоналар очилди.

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ангрен шаҳри тобора гўзаллашиб бораяпти. Бу ерда янгинги турар-жой ва жамоат бинолари шаҳар жамолини очмоқда. Шаҳар кўчалари равон ва обод. Бу йил 90 минг квадрат метр йўл асфальтланди, 20 минг квадрат метр йўл капитал ва жорий ремонтдан чиқарилди.

Шаҳарнинг Навоий, Тошкент, Лоҳутий кўчалари асфальтланиб, ободонлаштирилди. Айниқса Ленин майдони билан Ленин проспекти шаҳарнинг хуснига-ҳусн қўшиб турибди. 5 километр узунликдаги ариқлар чети асфальтланиб, бўйларига турли манзарали, мевали дарахтлар ўтказилди. Кўчалар кечалари ҳам кундузгидек чароғон. 4 километр масофага неон чироқлари ўрнатилди. 30 дан ортиқ болалар майдончаси қайтадан жиҳозланди. 5 автобус бекатига соябонлар ўрнатилди.

Реклама ва эълонлар

ТВ

Биринчи программа. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.50 — Совет Тинчлик программаси — амалда. 19.10 — Кино оламида. 20.30 — **Сирли қотиллик** (телеспектаклнинг 2-қисми). 21.45 — Ахборот. 22.00 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 22.30 — Ахборот. 22.50 — Концерт. 24.00 «Вақт». **Иккинчи программа.** 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — «Звездочка». 11.40 — Телевизион қўғирчоқ театри. 12.10 — **Нонни тенг бўламиз** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.30 Иваново коммунистлари. 20.00 — Панорама. 21.00 Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа. СССР—АҚШ. 23.15 — «Поэзия ҳақида». **Учинчи программа.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Ўтган эҳтиёт бўлинг. 19.35 — Бадиий ўқиш. 20.25 — **Тарих саҳифалари** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25VII да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24VII **Табассум ўғрилари.**

КИНО

ҚИШҚИ БИНОДА

Гроссмейстер — «ЎЗБЕКИСТОН» (19.00, 21.00), «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (10.00, 11.30, 13.00).

Анжелика ва қироль (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45), «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 16.00, 17.00, 20.00).

Қидирув менга топширилган — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия). — **НАВОИЙ номли** (10.00, 14.00, 17.20, 20.30).

Севги чироғи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Муваффақият гарови — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Уч юз спартанлик — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Мангу севги (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қоракум қўйнида — «ДРУЖБА» (19.00, 21.00).

Ромео ва Жульетта — «МОСКВА» (14.30, 17.30, 20.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Гроссмейстер — «ФЕСТИВАЛЬ».

Бодом гуллаганда — «ХИВА».

Сибирлик аёл — КИРОВ номли.

Ромео ва Жульетта — «РАКЕТА».

15 АВГУСТГА ҚАДАР

Тошкент областининг барча шаҳар ва районларида, колхоз ва совхозларида ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ-ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

КАТТА ГАСТРОЛЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Кўрсатиладиган спектакларда ва концертларда Ўзбекистон ССР халқ артистлари ЯХЪЕХОН МАМАТХОНОВ, СОЛИЖОН АҲМЕДОВ, МУРОДЖОН АҲМЕДОВ, ЗУННУН МАДАЛИЕВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Таваккал ҚОДИРОВ, Жалолиддин ОХУНОВ, Қаноатхон ҲАТАМОВА ва Қирғизистонда хизмат кўрсатган артистка Ёқиной ҲАТАМОВА, солистлар: Ҳабиба хон ҲОЖИНАБИЕВА, Уринбой ОРТИҚОВ, Исроилжон УСМОНОВ, Яхшигул ОЧИЛОВА, Иброҳим УМАРОВ, Маматвали АЛИЕВ, Ҳосиятхон ҲАТАМОВА, Фотима-Зуҳра ҚУРАМШИНАлар, Ҳасан-Ҳусан ЖАЛОЛОВЛАР, Йўлдошали ЭРГАШЕВ, опа-сингил ЙЎЛДОШЕВАлар ва театрнинг барча ижодий йигит ва қизлари иштирок этадилар.

АФИШАЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИНГИЗ!

ТОШКЕНТ АСАЛАРИЧИЛИК СОВХОЗИ

июль, август ва сентябрь ойларида итальян, карпат ва краина зотли она асаларилари ва асалари пакетларини

СОТАДИ

Ҳаваскор асаларичиларга асалари қутилари совхоз транспортида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, Тузель қишлоқ Совети (Луначарский марказидан «Тузель» ёки «Чингелди» автобусларида борилади).

Кришан ЧАНДР

ОЛИЧА

ЖАГМАҲОН бу жойлардан кетганига йигирма беш йил бўлди. Мана ҳозир у яна Пахалгом қишлоғида. Бу орада дунё неча бор ўзгарди! Унинг ўзи-чи?

Агар илгари бир кунда бир марта соқол олган бўлса, ҳозир икки марта олади. Вақтлар бўлган, ташқи кўринишига аҳамият ҳам бермасди. Пахалгомолга дасталаб келганида битта кўйлак билан шими бор эди, холос. Аммо кенг пешанаси ва паҳлавон қоматини кўрган жувонлар уялиб, кўзларини олиб қочишарди.

Энди-чи? Энди бўйни ингичка, кўкраги ичига тортган, кенг пешонасида ажин излари... Оқариб кетган сочини доим мойлаб юради. Бир кўйлагу бир шим энди камлик қилади. Костюм, нимча, галстук... Бу қимматбаҳо кийимлар; қарилигини яширгандай. Йигирма беш йил бурун у азамат йигит эди, ҳозир қанчалик қариган!

Пахалгом-чи? Биринчи бор келган вақтдагидек гўзал, навқирон, жозибали гўё!

Мана, у Пахалгом водийси! Дарё бир текис оқади. Тип-тиниқ суви оғтобда ялтирайди. Тоғ зангори юзасида осмоннинг бир бўлагини акс эттириб, тоғ қарағайлар ўз шарбатларини оқизгандек тўқ яшил тусда товланиб оқади. Дарё тўлқини қирғоқдаги тошларни юпқа жижимадор парда билан қамраб олган. Худди маъбуда Кришна атрофида чўпон қизлар рақса тушаётгандек бир манзара.

Водийни шарқ томондан ўраб турган тоғларда эса Ҳимолой кедрлари қўйшга қараб, ўрмонга кирмоқчи бўлган нур оқимига ўз шохларини қучоқ қилиб оғган. Офтоб нурлари ўрмонга жон бағишлайди. Ҳар бир барг қуёш нурига ташна, аммо қуюқ шохлар ўтказмайди. Ўрмонда салқинлик ва сукунат ҳукмрон. Фақат юқорида, дарахт учлари орасидан осмон гумбази кўринади. Беҳисоб нурлар дарахтлардан ўзини олиб қочиб, пастга қараб найзаларини отгану, гўё осмондан ергача ёркин нур дарёси ҳосил этган.

Ҳа, Пахалгом манзараси гўзал! Ҳар бир дақиқаси чучмомадек таниқ, севгили қиздек хушчақчақ! Қадимий, аммо ҳамиша жозибадор, кўзни қувнатувчи водий! Чорак аср ичида дунё ўзгарибди. Жагмаҳонки ҳам, бироқ Пахалгом ҳамон абадий гўзаллигича қолибди.

Жагмаҳон шу йигирма беш йил ичида кечган воқеаларни эслаб кетди.

Кўз ўнгида икки жаҳон урушининг ёвуз оқибати бўлмиш қабристонлар гавдаланди. Шу қабристонлар ортида унинг фабрикаларида тинмай тутун чиқиб турди. Аввал битта корхонаси бор эди. Биринчи жаҳон урушида иккита тўқимачилик корхонасига эга бўлди, сўнгги урушда эса тўрттага етди. Битта фабрика трубасидан тутун чиққунича қанчадан қанча янги мозор пайдо бўлди дунёда.

Жагмаҳон Европага қилган сайру-саёҳатини эслади: Париж қаҳвахоналари, Рим кўчаларидаги офатижон қизлар. Верлиндаги бир ресторан... Бу ерда ҳар столда биттадан телефон — сим қоқсангиз, қаршингизда битта қиз «лаббай» деб туради. Марҳамат, истаган номерни теринг!

Ҳа, у бутун дунёни кезиб чиқди. Олам — гўзал! Йигирма беш йил Жагмаҳон дунё лаззатларини таг-тугигача симирди. Пулини ҳам, саломатлигини ҳам аямади — шировардида унисини ҳам, бунисини ҳам йўқота борди. Тўғри, унинг пули бор — ишчиларга тобора кўпроқ ҳақ тўлашга, солиқлардан базўр қутилишга тўғри келаётган бўлса ҳам банкка қўйган капиталини усталик билан сарфлаб, фойда олади. Тоғ ишчиларни бўшатиб, тоғ иш ҳақидан уриб қолиб, тоғ ҳисоб-китобда унисини бунисига уриб, ҳуллас турли йўллар билан пулини кўпайтиради.

Шундайкуя, аммо ўзи-чи? Қучдан қолди. Хилма-хил дориармон ва сунъий усуллар қўлласа ҳам, булар ўз-ўзини алдаш эди, холос. У биларди — бу хил воситалар тобора кучини қирқаяпти. Ахир, қулга нисбатан ҳақсизлик қилиш, уни алдаш ҳам оқибатда хўжайиннинг илдизига болта уради-ку! Аммо, ҳозирча у тирик экан, наҳот бу дунё лаззатларидан воз кечса! Бунга пули ҳам, қурби ҳам етарлику! Жаннат фақат йўқсиллар учунгина эмасми?

Жагмаҳон кедр дарахтига суяниб ўтирарди. Бирдан у ўрнидан туриб кетди — чиройликкина бир жувон бошида савати билан пастга қараб кетган узун кўчадан тушиб борарди.

Жагмаҳон турли элларда гўзал хотинларнинг кўпини кўрган. аммо Кашмир аёлининг гўзаллиги — ўзига хос бир олам! Ҳамма аёллардан беқиёс гўзал у — нилуфар қомат, атиргул ранг бадан! У тўлин ойдек уятчан, жилмайши нақ офтоб нури! Кўзлари тоғ кўл сингари хотиржам ва ўйчан, тоғ қалбининг туб сирларини баён қилаётган тор ирмоғидек шўхчан боқади. Кашмир аёли ҳароратни билмаган қордек осойишта ва индамас бўлади, аммо, шундай вақт келадики, у қуруқ ўрмондек гуркираб ёнади.

Жагмаҳон кишини маст қилувчи бундай гўзалликни фақат Кашмирда кўрган. Пахалгомга узоқ вақтдан сўнг етаклаб келган ҳам худди шу дард эди. Бошида мева тўла савати кўтариб олган бу жувон билан учрашув яна ўша йигирма беш йил муқаддам содир бўлган бир воқеани эслатди.

БИР куни у Чанданвари қишлоғига олиб борувчи йўлдан сайр қилиб юриб, анча узоқ кетиб қолганини ҳам пайқамади. Кун пешиндан оққан. Қуёш аёвсиз ёндира-ди. Жагмаҳон қизариб-бўзариб кетган. Аммо баъзи-баъзида эсиб турган шабада юзларидан ҳазирани ҳайдаб қўярди — рассом чўткаси билан бўёқни шундай ўчиради. У ўзича хиргойи қилиб бораркан, бирдан Пахалгомга бир сават мева олиб кетаётган қизни кўриб қолди. Улар бирга боришаркан, қиз жилмайди, Жагмаҳон ҳам шундай жилмайиш билан жавоб қилди. Саватини ерга қўйганди, қиз ҳам тўхтади.

— Олхўри ширинми?

— Татиб кўр — биласан.

Шу пайт йигит кўзлари қизнинг кўлдек чуқур кўзларида чўккандай бўлди. Қиз олхўридан олиб, узатди:

— Мана буниси жуда пишган. Қара — олтин ранг, дум-думалоқ.

Йигит олхўри узатган позиқ, пуштиранг қўлга қараб қолди.

— Арзон,сотаман, бир савати — икки рупия, сотиб олақол,— деди қиз.

Йигит чўнтагидан шойи дастрўмолни олиб, ёзди, йигирматача олхўрини танлаб олиб, қизга саккиз анна пул узатди.

Қиз ҳайрон бўлиб қаради:

— Ортиқча беряпсан, бўлмаса, яна олхўридан ол.

— Кейин оламан... Ўзинг қаерда турасан?

Қиз орқага ишора қилди:

— Ҳов ана у ерда, бурилишда. Олдида олхўри ўсган уй биз-ники бўлади. Тўрт туп олхўримиз бор.

— Вақт топсам, албатта кираман. Олхўрини дарахтнинг ўзидан узиб еяверамиз.

— Албатта кел.

Қиз саватни кўтармоқчи эди, Жагмаҳон ёрдам беришга ошиқди. Қўллар учрашди. Юзлаб эмас, минглаб эмас, балки миллионлаб йиллардан буён мавжуд бўлган шу ёруғ олам бир зум яшариб кетди. Дунё пайдо бўлиб, олов гуркираб ёнган юрак ура бошлаб, қўз ёши тўкилган пайтдан буён воқе бўлаётган қадимий ва лекин ҳамиша янги манзара!

Жагмаҳоннинг юраги гупуллаб уради, аммо у тез ўзини ўнглаб олиб, Чандварига қараб йўлда давом этди. Қиз эса Пахалгомга қараб кетди. Бурилишда йигит у яшаётган уйни, тўрт туп олхўри дарахтини кўрди. Нарироқда эса муъжазгина бир тепалик наргиз гуллари билан чулганган эди. Бу уйни ҳеч вақт эсдан чиқармайди у!

Кейин у яна неча бор ўша қизни учратди, ҳар гал олхўри олиб, керагидан ортиқча ҳақини тўлаб турди.

Бир куни у Пахалгомдаги бозордан чиройли рўмол олиб, ичига кишмиш, ёнғоқ ва бодом солди, устига ўн рупияли қоғоз пул қўйиб, учларини боғлади, сўнг тугунни таниш қайиқчига тутқазди:

— Қиз бирор юмуш билан уйдан чиққан замон, қўлига тутказ. Кейин қайтиб келиб, нима деганини менга айтасан.

Жагмаҳон уйига қайтиб, қайиқчини кута бошлади. Узоқ кутди. Ниҳоят, элчи қўлида ўша шойи рўмолни ушлаб қайтиб келди. Рўмол ичида нимадир бор эди. Қайиқчи тугунни базўр кўтариб, қўшиқ айтиб келарди. Қўшиғининг мазмуни шундай эди: баҳор келса чинор барги ёр жамолидек қизаради.

— Эй бадбахт,— буни кўриб ўзини тутолмай бақирди Жагмаҳон.— У рўмолни қайтариб юборган бўлса-ю, манави аҳмоқ ашула айтиб келса!

Қайиқчи кириб, унинг олдига тугунни қўйди. Жагмаҳон титроқ қўллари билан тугунни еча бошлади. Рўмол ичида ўн рупия ҳам, ёнғоқ ҳам, бодом ҳам йўқ, фақат наргис гуллари бор эди.

Қайиқчи кулиб юборди:

— Суюнчиси қани?

Олхўрилик уй ёндаги ўша кеча нақадар соз, нақадар лаззатли эди. Ҳозир ҳам буни эслаб, Жагмаҳоннинг юраги жизиллайди...

ТЕЗ қадам босиб жувон томон юрди. Жувон бошида сават билан пастга тушиб борарди. Мана у саватини ерга қўйди. Жагмаҳон тўхтади. Саватда олча бор экан.

— Олчанг ширинми?

— Татиб кўр — биласан.

— Мумкинми?

Жувон қип-қизарди, қулоқларидаги кумуш исирга ялтираб кетди.

— Бемалол,— деди у.

Жувон ёнида турган етти-саккиз ёшлардаги болага мурожаат қилди:

— Жаноба олчадан олиб бер.

— Сенинг ўғлингми?

— Ҳа,— жувон боланинг бошини силади.

— Оти нима?

— Қодир,— ғурур билан жавоб берди жувон.

Жагмаҳон чўнтагига қўл солди.

Қодир жилмайиб, Жагмаҳонга қараб турарди. Жагмаҳон олчадан татиб кўриб, чўнтагидан шойи рўмолини олди, ичига бир неча дона мева солиб, жувонга бир рупия, болага эса саккиз анна берди.

— Бунча кўп?

— Ўғлингга... ширинлик олсин

— Албатта ширинлик оламан,— Қодир шундай деб, пулни чўнтагига солди.

Олтинранг бир тутам соч беҳосдан жувоннинг юзини ёпди, у сочини қайтараркан, деди:

— Жаноб, саватни кўтартириб юбор.

Уларнинг қўллари учрашди. Жагмаҳон тўрт туп олхўри ўсган уйни эслади.

Йигирма беш йил бурун ўша уй йўл муюлишида эди. Аммо бу хотирот ҳозир қалбида қайноқ ҳис уйғотмади: у фунт, доллар ва франклар эвазига ўзларини бозорда сотган, ширин туйғуларини паймол қилган аёлларнинг қўлларини кўп кўрган. Бозорда сотиб олиш мумкин бўлган ҳислар эса ҳеч қачон ширин бўлолмайди.

Жагмаҳон жувоннинг бошидан оёғигача разм солиб, уни ўзича аллакимлар билан қиёс қилиб кўрди, гўё баҳосини билмоқчи бўлгандай уни зимдан кузатди. Жувоннинг ортидан мийиғида кулиб, олчани тамшаб борди. Анча нарида одимлаб борса ҳам кўзини ундан узмасди. Баъзан жувон унга ўгрилиб, кетидан келаётганини кўрарди, аммо иккиси ҳам индамасди.

Жувон ёғоч қуприкнинг нарегида томигача гуллар чирмашган мужазгина уйда яшаркан. Жагмаҳон шу гулларга узоқ тикилиб қолди. Сўнг уйига қайтди. У яна бир неча марта таниш жувонни учратиб, ҳар гал олча сотиб олди. Олчанинг ҳақини жувонга, тангаси бўлса Қодирнинг қўлига берарди. Шу тариқа Қодир билан дўстлашиб ҳам қолди, у.

Бир куни Жагмаҳон бозорда чиройли кашмир шол рўмолини сотиб олди. Ичига кишмиш, ёнғоқ, бодом ва ўн рупия солиб, учларини боғлади.

Тугунни Қодирга бериб, деди:

— Рўмолни онангга бериб, жавобини дарров менга етказ!

Қодир кулди:

— Хўп, бўлади, жаноб!

Қодир келганида қуёш тоғ ортига ботиб борарди. Бу орада Жагмаҳон соқолини олиб, атир пуркаб олганди. Ҳамма тайёргарлигини кўриб, ўзидан мамнун ҳолда болани кутиб ўтирарди.

Қодир ниҳоят кўринди, шол рўмол қўлида, рўмол ичига нимадир ўроғлиқ. Жагмаҳон очилиб турган гулларни кўришдан умидвор. Гўё Кашмир келини наргис гулидек тиниқ кўзлари билан унга қараб тургандек туюларди. Қодир Жагмоҳоннинг олдига шолрўмолни қўйган эди, шошиб титроқ қўллари билан оча бошлади. Аммо рўмол ичидан на кишмиш, на ёнғоқ ва на бодом чиқди. Фақат эски: чириган башмоқ билан ўн рупиялик пул бор эди. Жагмаҳон юзига шу бошмоқлар билан тарсаки урилгандек ҳис қилди, ўзини. Ғазабдан юзлари қизарди:

— Бу қандай гап?

Бола жавоб ўрнига аввал жилмайди, сўнг бирдан хандон отиб кула кетди ва шу ҳолда кўчадан пастга югурди. Жагмаҳоннинг қулоғидан боланинг қаҳ-қаҳаси анчагача кетмади.

Бу навқирон Кашмирнинг кулгиси эди!

Русчадан Илҳом СУЛТОНОВ таржимаси.

ҲИКОЯ

ШИЙПОНДА СУҲБАТ

Тушки дам олиш соатларида совхоздаги мавжуд 7 та дала шийпонининг хаммаси соҳибкорлар билан гавжум бўлиб кетади. Сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар шийпонларга келиб ишчиларни кундалик янгиликлар билан таништирадилар, кўпчиликни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар ўтказадилар.

Сиёсий ахборотчи З. Эгамназаров яқинда 2-бўлимнинг 2-бригадасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШга ва Францияга қилган визитлари якуни ҳақида суҳбат ўтказди. Шу куни совхоз юристи Ғ. Еқубов ва бош агроном М. Расулов ўртоқлар ҳам қўшни участкаларда соҳибкорларни қизиқтирган темаларда суҳбатлар ўтказишди.

Совхозда ҳозир 18 сиёсий ахборотчи, 21 агитатор, 35 сиёсий ташкилотчи омма орасида бўлиб, меҳнаткашларни кейинги пайтда бўлган катта ўзгаришлардан воқиф қилмоқдалар. Совхоз партия комитети ўз аъзоларини маълум мақсадлар сари қаратмоқда ва уларни керакли қўлланмалар билан таъминламоқда. Суҳбатлар давомида беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози ишчилари эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўкин қилишда ички имкониятлардан ой сайин тўлароқ фойдаланмоқда. Етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиб, шаҳар меҳнаткашларига тақдим этишда Турди Исматхонов бошлиқ бригада аъзолари ҳозир бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар коллективлараро ташкил этилган совхоз кўчма Қизил Байроғини иккинчи марта қўлга киритдилар. Раззоқ Эгамбердиев бошлиқ бригада коллективи ҳам меҳнатда бошқаларга намуна бўлмоқда.

В. АКБАРОВ, А. НАБИХЎЖАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбирлари.

Спорт

ОЛМАОТАДА МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» билан «Қайрат» командалари баҳси ҳамиша кескин ва шиддатли ўтади. Тошкентлик футболчиларнинг Олмаотадаги навбатдаги ўйини ҳам ана шундай ўтди. Майдон эгалари биринчи давра мағлубияти ҳиссасини чиқариш учун барча имкониятларни ишга солдилар. «Пахтакор» мезбонларнинг таклиф этган юқори суръатини қабул қилиб, ўз дарвозасини мустаҳкам ҳимоя қилиш билан бирга тез-тез қарши ҳужумга ўтиб турди. Майдон эгалари биринчи бўлиб ҳисобни очдилар. Рожков командасини олдинга олиб чиқди, лекин 1:0 ҳисоби кўп ўтмай ўзгарди. Олмаоталиклар қанот ҳужумчимиз М. Анни штраф майдонида йиқитгани учун судья 11 метрли жарима тўпи белгилади. Команда капитани Абдураимов ҳисобни тенглаштирди. Асосий вақтда 1:1 ҳисоби ўзгармади. 11 метрли жарима тўплари киритилгандан кейин «Қайрат» умумий 6:5 ҳисобида ғолиб келди.

Навбатдаги 17-тур ғолларга сероб бўлди. Пешқадам «Арарат» Тбилиси динамочилари устидан 3:0 ҳисобда ғолиб келиб, мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Иккинчи учинчи ўринда бораётган Киев ва Москва динамочилари ҳам бу турда ғалаба қозонишди. Пойтахт футболчилари «Карпати»ни 5:3 ҳисобида, киевликлар эса Ворошиловграднинг «Заря» командасини 1:0 ҳисобида енгишди. Москва «Динамо» командаси ҳужумчиси В. Кожемякин бир ўйинда тўртта тўп киритиб чемпионат рекордини ўрнатди. «Днепр» пойтахт автозаводчиларини 2:0 ҳисобида, «Спартак» Ростов армянчиларини 1:0 ҳисобида енгишди. Марказий армия спортклуби — «Зенит», «Динамо» (Минск) — «Шахтер» учрашувларида ҳисоб очилмади. 11 метрли жарима тўплари киритилгандан кейин ЦСКА ва «Шахтер» командалари биттадан очкони қўлга киритишди.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қўйидагича:

Командалар	Ў	Т	О
«Арарат»	17	32—12	24
«Динамо» К	17	23—14	19
«Динамо» М	17	26—17	19
ЦСКА	17	19—20	18
«Спартак»	17	22—18	17
«Днепр»	17	23—22	17
«Шахтёр»	17	15—16	17
«Заря»	17	21—12	16
«Торпедо» М	17	19—18	14
«Қайрат»	17	13—23	14
«Зенит»	17	17—19	10
«Динамо»МН	17	11—16	9
«Пахтқор»	17	20—27	9
«Карпати»	17	16—32	9
СКА	17	8—20	7

ПОЙТАХТДАГИ республика илмий-техника кутубхонаси фондида 1 миллиондан зиёд илмий-техника адабиётлари бор. Минглаб ўқувчи-китобхонлар бу ерда техника фанидан билимларини оширадилар. Суратда: кутубхонанинг чет эл илмий-техника адабиёти бўлими мудири Г. Аҳмадова (чапда) — китобхонга адабиёт танлашда кўмаклашмоқда.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

«Пахтакор» стадиони ёнгинасида қад кўтараётган ёшлар уйи яқин келгусида пойтахтимизнинг энг гўзал биноларидан бири бўлиб қолади. Ҳозир бу ерда 8-трестнинг 1-қурилиш бошқармаси ишчилари билан елкама-елка туриб Тошкент Давлат университети юридик, математика ва журналистика факультетларининг студентлари ҳам меҳнат қилишяпти.

Университет қурилиш отряди 80 студентдан иборат. Отряд аъзолари ёзги меҳнат семестрида 90 минг сўмлик иш бажаришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганлар. Ҳиммат-ли студентлар бу вазифани узоғи билан 25 августгача бажариш учун курашмоқдалар.

М. ЭШМУРОДОВ, ТошДУ студенти.

СТУДЕНТЛАР ҲАШАРДА

Тошкент Давлат медицина институтининг студентлари далалардаги сабзавот ва меваларни йиғиштириб беришда актив иштирок этмоқдалар. Улар Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли бирлашманинг 6-бўлимида бўлиб, 400 тонна олма ва гилос териб бердилар.

Ердамчилар меҳнатини бирлашма комсомол комитети муносиб тақдирлади. Илғорларга мақтов қоғози ва пул мукофоти берилди.

Ф. СОДИҚОВА, ТошМИ студенти.

ХУШХАБАРЧИ

ГУЛИСТОН, Гусьев, Рязанская, Жемчужная кўчалари бўйлаб ўтиб бораётган бу аёлни ҳамма танийди. У хонадонларга янгилик олиб келади, хушхабар тарқатади. 12-йилдирки, М. Ҳасанова 42-алоқа бўлимида почтальон бўлиб хизмат қилиб келмоқда. У газета, журналлар билан бирга 400 хонадонга қарилик нафқаси, 500 хонадонга болалар нафқасини етказиб бераяпти.

М. Ҳасанова хонадонларда бўлганида бир йўла одамларни газета ва журналларга обуна ҳам қилиб боради. Шундан кейин обуначиларни газета ва журналлар билан ўз вақтида таъминлаш тадбирларини кўради. Чаққон почталионнинг ғамхўрлиги билан Кўкча даҳасидаги юзлаб хонадонлар олам янгиликларидан эрта тонгдаёқ хабардор бўлмоқдалар.

З. ШОКИРОВА.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64633. Р—04277 В.1781.